

ҲИКМАТЛАР САДОСИ

РАҲМАТУЛЛОҲ НОСИР

*Хуршид
атонгдур,
ой – ано...*



«Ҳикматлар садоси» туркумидан

РАҲМАТУЛЛОҲ НОСИР

ХУРШИД АТОНГДУР,
ОЙ – АНО ...

(Маънавий–маърифий, адабий–муסיқий композиция)

Биринчи китоб



ТОШКЕНТ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
2003

Ушбу рисола пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари, халқ мақоллари ва ривоятлари, мумтоз ва замонавий шеърларнинг илмий-адабий талқинига бағишланган. Рисолада айни талқинлар билан боғлиқ ашулалар ва уларнинг мусиқий нотаси берилган. Бундай тизимга солинган ўн иккита сабоқ маънавий-маърифий, адабий мусиқий композициянинг асосини ташкил этади. Рисола Республика олий ўқув юртлиари, академик лицей ва коллежлари, барча таълим-тарбия муассасаларининг маънавият дарслари, олий ва ўрта махсус мусиқа билим юртлиарининг яқка хонандалик синфлари, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Тошкент Ислон Университетининг Илмий мерос
ва диний тадқиқот бўйича проректори

Тақризчилар:

Баҳодир САРИМСОҚОВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Адабиёт назарияси бўлимининг мудири, филология фанлари
доктори, профессор

Соибжон БЕГМАТОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқий шарқшунослик
кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди

*Рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита руҳсати билан чоп этилди.*

ISBN 5-633-01426-X

© Раҳматуллоҳ Носир. «Хуршид атонгдур, ой – ано...»
«Янги аср авлоди», 2003

Нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жасажси гўдакларга, азиз фарзандларимизга гамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ислом Каримов

СЎЗ БОШИ

Инсоннинг камол топиши хилма-хил омиллар билан боғлиқ. Мазкур омиллар ичида дин ўзига хос ўринга эга экани шубҳасиз. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам бериб келган».¹

Диннинг инсон камолотидаги ўрни унга хос бўлган ана шу хусусиятларнинг мазмун-моҳиятидан бевосита келиб чиқади.

Мустақиллик халқимизга ўз эрки билан бир қаторда эътиқодини ҳам қайтарди. Бу жараёнда дин, унинг жамият ва инсон ҳаётига таъсирини тўғри, чуқур ва холис англай бошлаганимиз ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундай муносабат натижаси ўлароқ, дин кишиларимиз маънавиятининг узвий қисмига айланиб бормоқда. Диний қадриятлар руҳида яратилган ва том маънода инсонпарвар моҳиятга эга, миллий тарих ва маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланган, аммо давр тақозоси ва зулму ситамлар оқибатида унутилаёзган хулқу одоб дурдоналарининг халқимизга, унинг яратувчиси ва ижодкорига қайтарилаётгани бунда муҳим ўринни эгаллайди.

Раҳматуллоҳ Носирнинг «Хуршид атоғдур, ой – ано...» номли китоби ҳам мана шундай хайрли йўлда олим уфузаларимиз олиб бораётган изланишлардан бир нишондир.

Унда ота-она қадр-қимматини англаш, инсоннинг маънавий камолоти ва ҳаётда ўз ўрнини топишида асрлар оша сайқал топиб, ривожланиб борган миллий-диний қадриятларимизнинг аҳамияти, уларни асраб-авайлаш ҳақида фикр юритилади.

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат ҳамиша долзарб бўлиб келган ва жамият ҳаёти учун чуқур мазмун касб этган. Зеро, бу муносабатлар, моҳиятан, авлодлар ўртасидаги муносабат, жамият тараққиётида давомийлик ва ворислик масаласи демакдир. Шундай экан, ўзининг истиқболини ўйлаган, унинг порлоқ бўлишини таъминлашга ҳаракат қиладиган ҳеч бир жамият бу масалага бефарқ қарамаслиги табиий.

Мазкур мавзу билан қизиқувчи синчков ўқувчи китобни мутолаа қилиш жараёнида аждодларимиз томонидан тўпланган тажриба билан яқиндан танишади. Бу эса ўз навбатида бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим муаммоларнинг моҳиятини тўғри тушунишга ва уларнинг адолатли ечимини топишга кўмаклашади.

Китобда қайд этилган масалаларнинг пурмаъно ҳадислар, буюк мутафаккирларимиз ижодига мансуб фикр ва далиллар, турли-туман таъсирчан ва чуқур фалсафий мазмунга эга ривоятлар орқали баён қилингани унинг янада қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Китобнинг бошқа шундай руҳда ёзилган манбалардан фарқ қилувчи яна бир ўзига хос жиҳати бор. Муаллиф илму ҳикмат билан амалиётни боғлиқ ҳолда тасвирлашга ҳаракат қилган. Баён этилаётган тафаккур дурдоналарига шарҳлар бериш билан бир қаторда воқеалар руҳига мос келувчи мумтоз кўшиқларимизни топиб, улардан ўз ўрнида фойдалана билган. Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, китобда мусиқаларнинг ноталари ҳам берилган. Бу ўзига хослик маънавиятимиз гулшанидаги турли тарбиявий услублардан баҳраманд бўлиш имкониятини беради.

Тақдим этилаётган китоб ўзининг бошқа ижобий жиҳатларига ҳам эга. Шундай экан, ушбу китоб унда тадқиқ этишга ҳаракат қилинган масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасининг сеvimли манбаига айланиб қолишига ишонч билдириш мумкин.

*Зуҳриддин Ҳусниддинов,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент*

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 35-бет.

МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январда эълон қилинган қарори билан ўтган сана «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Хусусан, қарорнинг биринчи бўлимида шундай сўзлар бор: «Ёшларни ота-оналар ҳамда кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, қадрлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш ва таълим бериш тизимини такомиллаштириш лозим». Далилларга кўра, ҳали бирор-бир давлат ёки мамлакатда бу борада махсус дастур ишлаб чиқилмаган. Ҳукуматимиз томонидан «Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастури»нинг ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши бежиз бўлмай, миллатимизнинг кўпмингйиллик маънавий қадриятлари, тарихий илдизлари билан боғлиқ.

Кўп асрки, халқимиз маънавий дунёси ислом таълимоти билан нурафшон. Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари миллатнинг ахлоқ мезонига, турмуш тарзига айланган. Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига иймон келтириш, пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларига амал қилиш, эзгулик, адолатпарварлик, ростгўйлик, саҳийлик, ваъдага вафо, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик ва айниқса, ота-она ҳаққини адо этиш, ажодлардан авлодларга муқаддас қадрият сифатида ўтиб келади, қадрланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда жаннатга элтувчи савобларнинг энг каттаси ота-она розилиги эканини қайта-қайта таъкидлайди. Қуръонда Аллоҳни рози қилиш ҳақидаги ҳар бир оятдан кейин, албатта, ота-онанинг ҳаққини адо этишга даъват қилувчи оятлар келади.

Абу Бакр (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда айтиладики: «Расулulloҳ: «Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?» –деб уч маротаба сўрадилар. Саҳобалар: «Ё, Расулulloҳ, айтиб беринг!» – дейишди. Расулulloҳ: «Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш», – дедилар ...»

Мумтоз адабий меросимиз ислом таълимоти, ислом маърифатининг бадий инъикосидир. Шу боисдан, мумтоз шоирларимиз қаламига мансуб ҳар бир мисра қатида Қуръони Карим оятлари ва Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадислари муҳрланган. Буюк боболаримиз Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғонийлар ижод қилмоқнинг ягона шарти деб, халқни ислом ақоиди асосида тарбиялашни тушунганлар. Улусни тарбия этар эканлар, умидни халқдан эмас, ҳақдан кутганлар. Унинг жаннатидан умидвор бўлганлар. Бинобарин, жаннат эшигини очувчи калитлардан бири ота-она ризосидир. Бу мавзудаги ашъорлар мумтоз шеърятимизда сон-саноксиз. Ота ва она аҳли шеър томонидан Аллоҳ яратган махлуқотнинг энг улуги менгзалади. Низомиддин Алишер Навоий бир байтида отани қуёшга, онани ойга ўхшатади:

Эй ҳусн аро соҳиб ғино,
Хуршид атонгдур, ой – ано...

Тангри таоло қуёш ва ой рутбасини ўта баланд қилиб яратган. Зеро, уларсиз дунёимиз зимистонга айланар эди. Зулмат қўйнида ҳаёт бўлмаганидек, ота-онасиз ҳаёт ҳам зулматдир.

Бобораҳим Машраб бир ғазалида онага нисбатан «каъбам» лафзини қўллайди:

Сени кўп интизор этдим, фироқ ўтида, эй каъбам,
Тавофи каъбаи мақсуда келдим, дилда шон, онам...

Алҳол, пайғамбаримиз алайҳиссалоти васалламдан «Жаннат оналар оёқлари остидадир», деган саҳиҳ ҳадис бор. Ривоятларга кўра, ҳақиқий мўминлардан, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сеvimли умматларидан бўлмиш Вайс Қораний Макка ва Мадина зиёратига бир неча бор отланадилар. Мақсадлари Аллоҳнинг байти Каъбани тавоф этиш, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни зиёрат қилиш эди. Аммо уйда ёлғиз қолиши эҳтимоли бўлган кекса оналарини ўйлаб, ҳар сафар йўлдан қайтаверардилар. Аллоҳнинг инояти билан бу ҳолатдан огоҳ бўлган пайғамбаримиз (с.а.в.) Вайс Қоранийга ўз муборак ҳирқаларини бериб юборадилар. Ва дейдиларки: «У (Вайс Қораний) кўзи ожиз онаси бор уйни ёлғиз қолдириб келмади. Шариат амрини тутди. Оналик ҳаққига риоят этди». Қиссадан ҳисса, сарвари коинот (с.а.в.) онасининг ҳаққини риоят этган Вайс Қоранийни улуг бир мукофот билан шарафлантирдилар.

Шоир ҳожи Абдулла Орифнинг «Она» деб номланган шеърида шундай мисралар бор:

Каъба қопқасида турган эй, посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.
Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб
Каъбада кўз очган оби Зам-зам ҳам,
Бир умр талпинмиш онага қараб,
Не-не пайғамбарлар, кўзларида нам ...

Дарҳақиқат, ота-оналарнинг мақомлари шу қадар улуғ. Афсуски, бундай пурҳикмат ўғитни баъзида унутиб қўямиз. Ўткинчи ҳавас йўлида, нафс тузоғида банди бўлиб, кексаларимиз ҳурматини жойига қўя олмаймиз. Шундай дамларда бизни ҳушёр торттирадиган, тафаккур қилишга ундайдиган – бу адабиёт, мусиқа, қўшиқ ...

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган мазкур рисола ота-оналар ҳақида пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ворид бўлган ҳадислар, халқ ичида машҳур ибратли ривоятлар, мумтоз шеъриятимиз намуналарининг шарҳига, мусиқавий талқинига бағишланади.

Хайрли ният рўёби йўлида мусиқа илмидан фойдаланиш, қадим аждодларимиз тажрибасида юксак самаралар берган. Хусусан, ҳазрат Навоий бу илмнинг амалиясини ҳам, назариясини ҳам мукамал билганлар. Огаҳий, Фурқат ижодининг бир қиррасини мусиқа ташкил этган. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг «Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар мажмуаси» китобида улуғ устозлар йўлидан борилган. Биз ушбу адабий-мусиқий, маънавий-маърифий композицияни тайёрлашда аҳли қалам аждодларимизнинг хайрли анъаналарига эргашдик. Асл мақсад эса, ёш авлодни миллий маънавиятимиз руҳида тарбиялашга бақадри имкон ҳисса қўшишдир.

Рисолада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, халқ мақоллари ва ривоятлари, мумтоз ва замонавий шеърлар моҳиятига кўра талқин этилади. Сўнгра айни талқинлар билан боғлиқ ашувлалар ва уларнинг мусиқий ноталари берилади. Бундай тизимга солинган ўн иккита сабоқ композициянинг асосини ташкил этади.

Рисола Республикамиздаги таълим муассасаларининг маънавият дарслари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

БИРИНЧИ САБОҚ:

«БОШНИ ФИДО АЙЛА...»

Одамзот умрининг тадрижи шундайки, у ўз ҳаёти интиҳосига қадар икки бор муҳтожу икки бор ҳожатбарор бўлади. Муҳтожликнинг бошланиш замони гўдаклик бўлиб, эндигина дунё юзини кўрган чақалоқ она меҳри, ота ҳимоятсиз камол топа олмайди. Агар Аллоҳ узоқ умр берса, инсон ҳаётининг интиҳоси ҳам муҳтожлик билан якун топади. Танасидаги жами аъзолар толиққан, кучдан қолганида фарзанднинг кучли қўллари унга қўл, илдам оёқлари унга оёқ бўлиши лозим. Акс ҳолда, умрнинг поёни хорлик ва зорлик бўлиши мумкин. Икки бор ҳожатбарорлик мақоми бани Одам умрининг икки даврига, икки босқичига тегишлидир. Яъни ота ёки она бўлиб, ожиз фарзанд ҳимоятида қойим турган инсон, фарзанд бўлиб кекса ота-онасининг ҳожатини раво қилади. Бу Аллоҳ бунёд этиб кетган ўзгармас бир қонуният то қиёмат қадар давом этади. Кимки ушбу қонуниятни бузса, ундан аввало ўзи, сўнгра бутун жамият зарар кўради. Бунинг мисоллари, афсуслар бўлсинким, ниҳоятда кўп. Кейинги замонларда оталар ва болалар муаммоси умумжаҳон миқёсига кўтарилди. Боласига меҳр бера олмаган ота-оналар, ота-онани хор этган фарзандлар сабаб она-ер кўксига «Ғарибхоналар», «Қариялар уйлари», «Болалар уйлари» қора доғ бўлиб тушди. Бугун, айниқса, Ғарб дунёсида ушбу муаммонинг ечими йўқдек. Сабаби: Яратган жорий қилиб қўйган қонуниятнинг бузилиши, хом сўт эмган бандага хос ман-манлик, риёкорлик дунё ҳақида тафаккур юргизмаслик.

Роҳийм ва Алийм Аллоҳ ўзининг ҳақ ояти каримасида «Биз барча инсонларга ота-оналарига яхшилик қилмоқликларини буюрдик» (29: 8.), дея марҳамат қилади. Тафаккур эгалари учун шу бир жумлада ҳисобсиз маъно бор. Энг содда ва зоҳирий маъноларидан бири шуки, Яратганнинг бу амрига итоат этган кимса ота-онасига яхшилик қилар экан, энг аввало, ўзига яхшилик қилган бўлади. Қилган солиҳ амали боис, бу дунёда фарзандидан яхшилик кўрса, охирада неъматни жаннатга эришади, яъни икки дунёси обод бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: «Қиладиган амалларимиз ичида Аллоҳга энг севимлиси қайси?», – деб сўрадим. Расулуллоҳ: «Фарз намозларини ўз вақтида ўқиш», – дедилар. «Ундан кейин қайси? – десам, у зот: «Ундан кейин ота-онага яхшилик қилиш», – деб жавоб бердилар» ...

Фарз намози ва уни ўз вақтида адо қилиш мусулмон учун нақд жаннат дегани. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида Аллоҳнинг ҳақ ваъдаси бор. Фарз намози – мусулмоннинг меърожи. Меърож эса инсоният эришган энг олий мақом. Пайғамбаримиз алайҳиссалом намоздек улуг амалдан кейинги зарур амал ота-она розилиги дея марҳамат қилибдиларми, унинг риояти ҳам биз ўйлаганчалик жўн эмас. Демак, ота-она ризолигини олиш, инсондан мислсиз сидқу риёзатни талаб этади.

Ривоят қилишларича, бир одам Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё, Расулуллоҳ! Онам жуда кексайиб, гўдакдек бўлиб қолди, ҳаракатлари ҳам гўдакниқига ўхшайди. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат едираман, таҳорат олишига ёрдамлашаман. Намоз жойига кўтариб олиб бораман. Истаган ишини қулоқ қоқмай бажараётирман. Фарзандлик бурчимни ўтай олдими?» – деб сўрабди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга жавобан: «Волиданг ҳаққини юздан бирини-да ўтай олмагансан», – дебдилар.

— Нечук? Ё, Расулуллоҳ, — ҳайрон бўлибди савол қилган киши.

— Сабаб шуки, — дебдилар Расулуллоҳ (с.а.в.), волиданг сенга ўссин, камол топсин, узоқ умр кўрсин деб хизмат қилган, сени кўтариб юрган. Сенчи? Сен онангга «у қачон ўлар экан, қачон ундан қутилар эканман», деб хизмат қиляпсан. Сен билан онанг хизмати орасида ер билан осмонча фарқ бор. Сен онангга қанча хизмат қилмагин, унинг ҳаққини тўлиқ адо эта олмайсан. Илло, ҳеч бир фарзанд ота-она ҳаққини ўтай олмайди. Фақат уларга хизмат қилиб, розилигини олибгина Аллоҳ ризолигини топгайсан».

Кимдир савол берди: – Айтгил, Муҳаммад,
Ёлғиз сен Расулсан буткул оламга.
Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт,
Ота-онамгами ёхуд боламга?

Расул жавоб қилди: – Тингла биродар,
 Гапимни уч бора қулоққа илгил.
 Имкон топа олсанг дунёда агар,
 Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ –
 Ростдан она эрур қиблаи олам.
 Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ
 Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам.

Ҳожи Абдулла Ориф қаламига мансуб ушбу мисралар ҳам тарихий, ҳам фалсафий, ҳам умуминсоний моҳиятга эга. Энг муҳим омил эса пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларидир. Барча машҳур муҳаддислар жамлаган китобларда бу ҳадис «саҳиҳ» мақоми билан берилади. **Демакки**, тарихда бир мусулмон биродаримиз билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ўрталарида шундай суҳбат бўлиб ўтгани аниқ. **Иккинчидан**, шуни англашимиз лозимки, Аллоҳнинг севган бандаси ва пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўз буюк ҳикматни ифода этади. Абодиятга дахлдор бўлади. **Учинчидан**, умматларга, жамики инсониятга она номининг нақадар улуғлигидан, ота–она ризосининг бебаҳо неъмат эканидан хабар беради. **Тўртинчидан**, шеър муаллифи ҳам ушбу муборак ҳадис устида тафаккур юргизади. Унинг маъносини чақишга, ундан салмоқли хулоса чиқаришга сайъ этади ва оналар улуғлигининг бир сабаби сифатида пайғамбарларнинг ҳам онадан туғилганини кўрсатади. Яъни буюк ҳикматдан халқчил бадиий кашфиёт яратади.

Ота ва она ризосини олишдек бемисл бахтга эришишни истаган қобил фарзанд қуйидаги фазилатлар эгаси бўлмоғи лозим:

- ота–онага доимо ҳурматда бўлиш;
- улардан ҳеч нарсани қизғанмаслик;
- ҳеч қачон миннат қилмаслик;
- ота–она чақирганда дарҳол етиб келиш;
- ота–онага ғазаб қилишдан тийилиш;
- улар билан гаплашганда юзни буриштирмаслик, «уф» тортмаслик;
- ота–она рухсати бўлмаган ишга қўл урмаслик;
- ота–онага юмшоқ муомалада бўлиш;
- уларга қувонч келтиришга уриниш;
- насиҳатларини жон қулоғи билан тинглаш ва амал қилиш;
- барча яхшиликларни улар ҳаётлигида амалга оширишга ҳаракат қилиш;
- уларнинг вафотидан сўнг ҳақларига дуои хайр қилиш, қабрларини зиёрат этиш, дўстларидан хабар олиш.

Дарҳақиқат, доно халқимиз билиб айтганидек: «Ота рози–Худо рози, она рози–пайғамбар рози».

ҚЎШИҚ НОТАСИ

НАВОИЙ сўзи

М.М. ♩ = 68

Халқ мусиқасига мослаштирувчи
 ва ижрочи Раҳматуллоҳ НОСИР

Бош-ни фи-до ай-ла

а-то қо-ши-га Жи-см-ни қил сад-қа а-но бо-ши-га

Тун ку-ни-нг га ай-ла- га-ли ну-ри пош

11.

Би-ри-син ой анг-ла би-ри-син қу-ёш

2.

Сўз-ла-ри-дин чек-ма

қа-лам ташқари Ҳад-ла-ри-дан қўй-ма қа-дам таш-қа-ри

1. 2.

Бўл-син а-даб

бир-ла ай-ла бо-ри хиз-ма-тинг А-то бо-ши-ға Ҳам қил а-даб дол-и жи-см-ни қил сад-қа

1. 2.

ка-би қо-ма-ти-нг а-но бо-ши-ға

Ик-ки си-нинг хиз-ма-т-и-ни бир бил

1.

Ҳар не-ча иф-рот э-са тақсир би-л

2.

Бўл-сен бан-да а-то а-но-ға як со-

- н ким Ҳақ де-миш «Во-ли-дай-ни эҳ-сон»

Бош-ни фи-до ай-ла А-то қо-ши-ға

1. 2.

Жи-см-ни қил сад-қа а-но бо-ши-ға

ҚЎШИҚ МАТНИ

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.

Бўлсин адаб бирла бори хизматинг,
Ҳам қил адаб «дол»и каби қоматинг ...

Тун–кунингга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин–қуёш.

Иккисининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса тақсир бил.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Ҳадларидин қўйма қадам ташқари.

Бўл банда ато–аноға яксон
Ким Ҳақ демиш: «Волидайни эҳсон».

Луғат

Нурпош

– нур сочувчи.

Ҳад

– чегара

Дол

– араб алифбосидаги ҳарф. (дол) – шаклига кўра, эгилган қомат, қарилик рамзи сифатида қўлланади.

Ифрот

– кўпайиш, ҳаддан ошиш, тўлиб–тошиш.

«Волидайни эҳсон»

– Қуръони Каримнинг бир неча сураларида келади.

Маъноси: «Ота–оналарга яхшилик, эҳсон қилинглр».

Шарҳ

Байтлар шарҳига киришишдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, бобомиз Алишер Навоий бу мисраларни шариат илмини тўла эгаллаб, ҳаётини тажрибалари юқори даражага етган ёшларида ёзганлар. Шунинг учун, бу мисраларни шариатнинг шеърини баёни, донишманд ҳикмати дея қабул қилиш мумкин.

Эй, фарзанд! Ота–она шундай азиз зотларки, уларга бошингни фидо, жисмингни садақа қилсанг ҳам арзийди. Уларни сенинг қоронғу тунларингни (ҳаётинг давомида келажак қийинчиликларни) ўз нурлари (тарбиялари) билан ёритгувчи қуёш ва ой деб бил. Кўрсатган йўллари-дан, берган насиҳатларидан ташқари қадам қўймасанг, бахтли бўласан. Уларнинг хизматларини қилганингда кибр билан эмас, ҳалимлик билан қил.

Шеърнинг қуйидаги икки мисраси кенгроқ шарҳни талаб этади:

Иккисининг хизматини бир бил,

Ҳар неча ифрот эса тақсир бил ...

Байтнинг умумий маъноси: Ота ва онангнинг сенга қилган хизматларини бир хилда бил. Уларнинг ризоси йўлида ҳар қанча қийинчилик кўрсанг ҳам, кам деб ҳисобла. Бироқ омма орасида пайғамбаримизнинг: «Аввал онангга яхшилик қил», деган муборак ҳадисларини бирёқлама тушуниш ҳолатлари кўп учрайди. Яъни бу ҳадис мазмуни отага нисбатан онани зиёдроқ иззатлаш, қадрлаш маъносида талқин қилинади. Бундай талқин эса шариатни мукамал билган Навоий талқинларидан узоқроқ туради. Зеро, у зот «Иккисининг хизматини бир бил» ... деб уқдирмоқдалар. Ҳадис мазмунини, Навоий талқинида тўғри англаш учун, аввало, ислом маънавиятидан хабардор бўлмоқ керак. Ислом ҳар қандай ҳолатда жисман, маънан, ақлан ожизроқларга биринчи бўлиб ёрдам қилиш лозимлигини уқдириб келади. Бинобарин, оналар оталарга нисбатан (жисман) ожизроқдирлар. Бундай ожизлик уларнинг аёллик табиатларидан воқеъ бўлади. Шу боис ҳам, оталардан кўра оналар ёрдамга муҳтожроқдирлар. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларида айни шу ҳақиқат кўзда тутиладики, Навоий мисралари бунини яна бир бор тасдиқлайди. Сўнгги байт: Эй, ўғил ота–она ризоси йўлида ўзингни яксон эт, тупроқ бўл. Бу мусулмон фарзанд учун фарздир. Аллоҳнинг Қуръонидаги «Ота–онага яхшилик, эҳсон қилинглр», деган сўзларни унутма!

ИККИНЧИ САБОҚ:

«ТО ОТАНГ РОЗИ ЭМАС...»

Ота – улуғ зот. Ота – инсониятнинг бош бўғини. Аллоҳ отамиз ва пайғамбаримиз Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратди. Фоний дунё ҳаёти шундан бошланди. Аллоҳ отамиз Одам алайҳиссаломга тавҳид йўлини ўргатди. Барча амрларига амал қилишни буюрди. Бунинг эвазига мисли тасаввуримизга—да сиғмайдиган ажру савоблар ваъда қилди. Шубҳасиз, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Отамиз Одам алайҳиссалом инсониятнинг жисман мавжудлигига сабабчидирлар. Бизга Аллоҳ буюрган амалларни етказувчи тарбиячимиздирлар. Бинобарин, барча оталар Одам алайҳиссалом ворислари ҳисобланади. Ота номининг улуғлиги, отанинг муборак зот экани шундан.

Шоир бекорга айтмаган:

Отам—Одам. Жисми хоки туробдан,
Мен ўғилман, увоғингман, тупроғим.
Дунё—сарой, хитоб айлар: «Тур хобдан!
Карвонингни йўлга шайла қўноғим!».

Инсон табиатан унутгувчи¹. Шу боис, у кўп ҳолларда ўзининг нақадар ожизлигини, камтарин ва ҳокисор Одам авлоди эканини унутиб қўяди. Манманлик, кибр қутқусига банди бўлади. Шоир айтганидек, бани Одам охират сафарига карвонини шайламоғи учун, аввало, ўз жисмининг асоси бўлган тупроқ каби камтарин бўлишни пеша тутиши лозим. «Камтарга камол, манманга завол», дейди доно халқимиз. Демак, охират саодатига мушарраф этгувчи улуғ фазилатлардан бири камтарлик – инсониятга Одам отамиздан меросдир. Демак, одам ўз номига муносиб бўлиши учун, аввало, камтарин бўлиши лозим экан.

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Эсланг (эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман», деганида улар айтдилар «У Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». Ва у зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!». Улар айтдилар: «Эй, пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибсан!» (Аллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир», деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?» (2:30 – 33).

Отамиз ва пайғамбаримиз Одам алайҳиссаломга яратилган кунларидан бошлаб Аллоҳ билим ва маърифат ато этган. Билим ва маърифат нури билан у зотни фаришталардан устун қилган. Мана шундай тадбир боис, инсоният Аллоҳ қодир қилганича борлиқ сирларини ўрганиб, ўзлаштириб келади. Дунёвий ҳаётини хайрли амалларга сарф этади. Охиратини обод қилишга уринади. Шунини унутмаслигимиз лозимки, инсониятни бундай улуғ амалларга ўргатган биринчи муаллим – бу отадир.

Ҳазрат Навоийда шундай байтлар бор:

Ҳақ йўлида ким санго бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...

Сўзсиз, ушбу мисраларда акс этган таъриф, энг аввало, оталарга тегишлидир.

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ: «Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», деганлар.

Ривоятларга кўра, бир йигит Расулуллоҳ ҳузурларига келиб, отаси унинг молидан ўғирлаб олаётгани ҳақида шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ йигитнинг отасини ҳузурларига чорлади-

¹ Инсон сўзининг луғавий маъноси ҳам «унутгувчи» бўлиб, Аллоҳ таоло яратган махлуқларига қўйган ҳар қандай исм айнан унинг моҳиятини ифодалайди (Р.Н.)

лар. Қарасалар йигитнинг отаси ҳасса таяниб юрар, жуда қартайиб қолган эди. Отадан сўрадилар: «Нега бундай қилдингиз?», ота деди: «Ўғлимни ёшлигидан тарбиялаб вояга етказдим. Менинг ҳомийлигим, тарбиям остида куч-қувватга тўлди, молу давлатга эга бўлди. Мен эса қариб қолдим. Бугун унинг молига мен муҳтож бўлганимда, бахиллик қилади». Шунда Расулulloҳ, отага кўп меҳрибонликлар кўрсатдилар. Ноқобил ўғилга эса шундай дедилар: «Сен ва сенинг мол-мулкинг отангникидир, ҳатто отанг сени қул қилиб сотса ҳам ҳақлидир».

Аниқки, ҳеч бир мусулмон ота ўз фарзандини қул қилиб сотиш у ёқда турсин, унга заррача ёмонликни ҳам раво кўрмайди. Чунки фарзанд қайғуси – бу отанинг ҳам қайғусидир. Фарзандини ғамгин кўрган ота, дунёдаги барча хазиналарга эга бўлса ҳам, ўзини бахтлиман, дея олмайди. Баъзан фарзанд тажрибасизлиги, ёшлиги сабабидан ота кўнглидаги бундай ҳолатларни тушунмайди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Айниқса, Алишер Навоийнинг Хусайн Бойқаро ўғли Бадиуззамонга ёзган мактуби ибрат кўзини очгуликдир: «Пайғамбаримиз буюрубтурларким, Тенгри таоло ризоси ато ризосига вобастадур ва Тенгри таоло ғазаби ато ғазабига вобастадур. Бас, киши ато ризосин ҳосил қилса, Тенгри таоло ризосин ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ато ғазабига учраса, Тенгри таоло ғазабига учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлгондин сўнгра нечук киши ато ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай. ... Тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа восила улдур ва туфлиятдин шабоб синниғача парвариш бергучи ул, Адиб Аҳмад дебтурким:

Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато қилса доғи ато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқурғай Худо.

Иброҳим Ҳалиуллоҳнинг атоси бовужуди ул ким Озари буттарош эрди. Ул ҳазрат атосига насиҳат қилурда нидо келдиким: «Таъзим ва мулоямат била насиҳат қил».

Навоий ҳазратларининг ушбу машҳур мактублари подшоҳ дўстларининг ўғли, фарзандлари тенги Бадиуззамонга насиҳат – ўғит тарзида ёзилган. Шоҳ ва Шаҳзода ўртасидаги низога сабаб тожу тахт эди. Тарих китобларида ёзилишича, ота раъйига қарши борган Бадиуззамон қилмишларида ўзини ҳақ, отасини ноҳақ, деб билган. Ҳазрат Навоий мактубида шаръий ҳукмлар ва донишмандлар ўғитига асосланиб, отанинг хатосини кечирмоқ, мусулмон фарзанд фазилати эканини таъкидлайди.

Алалхусус, ҳаётда юз берадиган кўплаб ҳолатлар ота ва фарзанд аро келишмовчиликка сабаб бўлиши мумкин:

- фарзанд улғайганда, айниқса ўспиринлик пайтида мустақил яшашга, катталарга, ҳатто отасига ҳам бўйинсунмасликка ўзида рағбат сезади;

- бойлик, мансаб, куч-қувватнинг ошиши манманликни келтириб чиқаради;

- атрофдагилар қутқусига учиши боис, ота ҳақидаги фикрлари ўзгаради;

- уйланиш, рўзгор қилиш сабабли ота ва ўғил ўртасида манфаатлар зидлиги воқе бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Лекин бундай ҳолатларнинг юзага келмаслиги, асосан, фарзанднинг эътиқоди, ақл-фаросатига боғлиқ. Яхши тарбия кўрган, айниқса эътиқодли, иймонли фарзанд ҳар қандай вазиятда ҳам отанинг юзига тик қарамайди. Ўзининг ота олдида ҳар томонлама қарздор эканини қалбан ҳис этиб туради. Энг муҳими, Аллоҳнинг савобидан умид қилиб, Унинг дўзахидан хавфу ражода бўлади.


Халқимизнинг бир мақолида: «Отанинг қарғиши ўқ, унга йўлиқишдан қўрқ», дейилади.

ҚЎШИҚ НОТАСИ

Машраб сўзи

Муסיқа муаллифи ва ижрочи
Мажидхон САИДОВ

М.М. ♩ = 72



Эй кў-зим-нинг шаъ-ми-ю
 ҳам ну-ри-дий дам рав-ша-ни О-да-ми и-мон-га ет-май
 ҳеч вақт бўл-мас га-ни Мар-дум о-зо-ри
 бў-луб бўл-ма Ху-до-нинг душ-ма-ни Ос-мон-га
 ет-са бо-шинг қил-ма-ғил мо-у-ма-ни То о-танг
 ро-зи э-мас тав-банг қа-бул бўл-мас се-нинг
 Ке-ча-ю кун-дуз а-гар
 Қур-ъон ти-ло-ват ай-ла-санг Шаб-ни рўз ай-лаб
 му-дом тақ-во-и то-ат ай-ла-санг Мис-ли Хо-там-дек
 бў-луб хай-ру са-хо-ват ай-ла-санг Каъ-ба-йу Мақ-дус-ни
 минг бор зи-ё-рат ай-ла-санг То о-танг
 ро-зи э-мас тав-банг қа-бул бўл-мас се-нинг
 Бе-а-даб-лик қил-ма-ғил со-ҳиб на-зар-нинг ол-ди-да

По да-роз эт-мак на ло-зим,
ях-ши-лар-нинг ол-ди-да
Ас-ра-гил, по-ки-за жис-минг шў-ру шаррнинг ол-
ди-да Бир гу-ло-ми бе-ди-рам бўл-гил о-та-нинг
ол-ди-да
То о-танг ро-зи э-мас тав-банг қа-бул бўл-мас се-нинг
Ҳеч о-қил ў-зи-ни аҳ-ли ка-со-
фат ай-ла-мас Бу ги-ё-ҳи талх-ни ҳеч ким зи-ро-
ат ай-ла-мас
Ким па-дар о-зор-дур Аҳ-мад ша-фо-
ат ай-ла-мас Бан-да-и мў-мин о-мо-нат-га ҳи-ё-нат
ай-ла-мас То о-танг
ро-зи э-мас тав-банг қа-бул бўл-мас се-нинг

Маш-ра-бо аз-ми са-фар қил-ғил не-ку кир-дор бұл Бан-да-лик-ни пе-ша тут шаб то са-ҳар бе-дор бұл О-хи-ра-ти хав-фи-дин қон йиғ-ла-ғил бе-дор бұл Бо-ғи риз-вон ис-та-санг ам-ри па-дар-га ёр бұл То о-танг ро-зи э-мас тав-банг қа-бул бұл-мас се-нинг То о-танг ро-зи э-мас тав-банг қа-бул бұл-мас се-нинг.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Эй, кўзумнинг шамъию-нури дийдам равшани,
 Одами иймонга етмай, ҳеч вақт бўлмас ғани,
 Мардумозори бўлуб, бўлма Худонинг душмани,
 Осмонга етса бошинг қилмағил моумани,
 То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг.

Кеча-ю кундуз агар Қуръон тиловат айласанг,
 Шабни рўз айлаб мудом тақвои тоат айласанг,
 Мисли Хотамдек бўлуб, хайру саховат айласанг,
 Каъбау Мақдусни минг бор зиёрат айласанг,
 То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг.

Беадаблик қилмағил, соҳибназарнинг олдида,
 По дароз этмак на лозим, яхшиларнинг олдида,
 Асрагил, покиза жисминг шўру шаррнинг олдида,
 Бир ғуломи бедирам бўлгил отанинг олдида,
 То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг.

Ҳеч оқил ўзини аҳли касофат айламас,
 Бу гиёҳи талхни ҳеч ким зироат айламас,
 Ким падарозордур Аҳмад шафоат айламас,
 Бандаи мўъмин омонатга хиёнат айламас,
 То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг.

Машрабо! Азми сафар қилғил, неку кирдор бўл,
 Бандаликни пеша тут, шаб то саҳар бедор бўл,
 Охирати хавфидин қон йиғлагил, бедор бўл,
 Боғи ризвон истасанг, амри падарга ёр бўл,
 То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг.

Л у ф а т

Дийда	– кўз.
Ғани	– бой.
Мардумозори	– элга озор бергувчи киши.
Моуманлик	– манманлик маъносида.
Шабни рўз айламоқ	– кечани кундузга уламоқ.
Тақво	– парҳез, тийилиш, иймонлилик.
Хотам	– Шарқ бадий тафаккурида сахийлик рамзи ҳисобланувчи тарихий шахс
Каъбау Мақдус	– Каъбатуллоҳ ва Қуддус.
По дароз	– қадамни катта ташлаш, матнда манманлик маъносида келган.
Шўри–шарр	– ғавго, тўполон қилгувчи, ёмон феълли киши.
Аҳмад	– пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) номларининг бошқача айтилиши Ўзагида арабча «ҳамд» сўзи туради.
Гиёҳи талх	– аччиқ ўт.
Неку кирдор	– яхши қилиқли, хуш фазилатли.
Боғи ризвон	– жаннат.
Фуломи бедирам	– ҳеч вақоси йўқ қул.

Ш а р ҳ

Эй кўзимнинг нури (фарзандим). Одам боласи учун энг катта бойлик иймондир. Иймонли одам бойдир. Дилозор бўлиб, Худонинг иродасига қарши борма. Ҳар қанча етук бўлсанг-да, манманликка берилма. Токи отанг рози бўлмас экан, Аллоҳга айтган истиғфорларинг, тавба-тазарруинг қабул бўлмайди. Агар отанг рози бўлмас экан, кеча-кундуз бедорликда Қуръон тиловат қилсанг ҳам бефойдадир. Нақадар тақводор, нақадар хайру эҳсон қилгувчи сахий бўлмагин, ҳатто Каъбатуллоҳни минг марта зиёрат қилган бўлсанг-да, отанг ризосини олмас экансан, савобга эриша олмайсан. Шундай экан, отанг олдида беодоблик қилма. Манманликдан сақлан, камтарин бўл. Ёмон феълли кишиларга ўхшамагин. Отанг олдида ўзингни қулдек хокисор тут. Ақлли одам ҳеч вақт ўзини кулфатга дучор этмайди. Отасига озор берганлар қиёмат кунда пайғамбар (с.а.в.) шафоатларидан бенасиб қолади. Зеро, бундай аччиқ қисматни ким ҳам ўзига раво кўрарди. Отанинг ҳаққи шундай омонатки, мўъминман деган киши бу омонатга хиёнат этмаслиги лозим. Эй Машраб, яхши амаллар сари сафарни ният қил. Аллоҳнинг қули эканинг ҳар сония ёдингда тут, ғафлатга ботмагин. Охиратдаги сўроқдан доим хавфда бўл. Қон йиғлаб Яратгандан гуноҳларингни сўра. Охиратда жаннатдан умид қилсанг, албатта, отанг амрига итоат эт. Чунки отангни рози қилсанг, сендан бахтсиз одам бўлмайди.

УЧИНЧИ САБОҚ:

«МУРОДИ ДУ ЖАҲОН, ОНАМ...»

Аллоҳ онага шу қадар кўп меҳр-муҳаббат ато этганки, унинг меҳри замону маконларга сигмайди. Она ўзи учун энг оғир дақиқаларда ҳам фарзандим дейди. Агар фарзанд учун жон бериш лозим бўлса, она иккиланмайди. Ҳолбуки, инсон учун ҳамма нарсдан ширини жондир. Онанинг фарзандга бўлган муносабатида Яратганнинг буюк илми ва ҳикмати бор. Қуръони Каримда Аллоҳ Азза ва Жалла шундай марҳамат қилади: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлиб, қийналиб туққандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир. Энди қачон у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: «Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматинга шукур қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина адо этишга муваффақ айлагин ва Ўзинг мен учун зурриётимда ҳам яхшилик қилгин (яъни фарзандларимни ҳам аҳли солиҳ бандаларингдан қилгин). Албатта мен, Сенга (қилган барча гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта мен, мусулмонлардандирман», деди» (46:15).

Қуръони Каримда оналарни болаларга меҳрибонлик қилишга ундовчи, танбеҳ бергувчи оятлар деярли учрамайди. Аксинча, болаларга насиҳат, буйруқ, танбеҳ мазмунидаги оятлар жуда кўп. Албатта, Аллоҳ билгувчи – Алийм зотдир. У онага бу мазмунда танбеҳ беришга ҳожат йўқлигини жуда яхши билади. Зотан, унинг Ўзи она юрагини фарзандга аталган меҳру шафқат билан лиммо–лим қилиб қўйган.

Оналарнинг Яратган олдидаги мақоми, ҳурмати ҳам, айнан шу меҳр туфайлидир. Аллоҳ наздида оналар дуосичалик эътиборли дуо йўқдир. Онанинг дуоси ҳатто ўликларга жон бахш этишга ҳам қодир экан. Албатта, бу дуо Аллоҳга мақбул бўлсагина ижобат топади.

Абдуллоҳ ибн Авн (р.а.)дан Анас ибн Молик (р.а.) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳнинг ёнларида, Суффада эдик. Расули акрамнинг ҳузурларига ҳижрат қилган бир аёл келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни аёллар ёнига, ўғлини эса бизнинг ёнимизга юбордилар. Орадан кўп ўтмай, аёлнинг ўғли Мадинада тарқалган вабо хасталигига чалиниб вафот этди. Сарвари олам (с.а.в.) йигитнинг кўзларини юмгандан сўнг жасадни кўтаришимизни буюрдилар. Уни ювиш учун тайёргарлик кўрар эканмиз, менга:

– Эй Анас! Бор, онасига айт, — дедилар.

Онасига хабар бердим. Онаси келиб, ўлган ўғлининг оёқ учи томонига ўтирди ва маййитнинг оёқларини ушлаб:

– Аллоҳим! Мен ўз хоҳишим билан мусулмон бўлдим, Сенинг динингга кирдим. Бутларга сиғинишни тарк этдим. Ўз хоҳишим билан Сен ва Сенинг пайғамбарингга юкиндим.

Аллоҳим! Мени бало–мусибатларга дучор қилиб, бутпарастларни севинтирма ва тоқатим етмайдиган ушбу мусибатни менга юклама, – дея дуо этди.

Аллоҳга қасамки, аёл дуосини битирар–битирмас, ўлик оёқларини қимирлатиб кўзини очди ва туриб кетди. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этгунларича шу йигит ҳаёт эди».

Юзакироқ қараган, ислом моҳиятини тўғри англамаган кишилар учун ушбу ҳодиса бир қадар тушунарсизроқ туюлиши мумкин. Аммо Аллоҳнинг қудрати, билими нақадар чексиз бўлса, унинг раҳмати ҳам шунчалик чексиздир. Аллоҳ дуони ижобат қилиши учун дуогўйнинг қалби пок бўлиши, дуо бевосита қалбдан чиқиши кифоя. Зеро, қалбан қилинган дуо фақат тавҳид эътиқодига содиқ кишиларга хосдир. Иймон соҳибларининг дуоси эса, ҳеч қачон ижобатсиз қолмайди, иншооллоҳ.

Аллоҳ Азза ва Жалла кўплаб оятларида иймонлиларни сахий бўлишига, ўзи севган, ўзи муҳтож бўлган нарсасини ҳам Аллоҳ йўлида эҳсон қилишга буюрган. Аммо инсон, аксарият ҳолларда, ушбу амр ижобати йўлида ўзини ожиз сезади. Нафсни енгишга қийналади. Баъзан ота-онамизга нисбатан ҳам саховатли бўла олмаймиз. Алҳол, оналарнинг саховатли қалби бу борада ҳам бутун инсониятга ибрат бўларлиқдир. Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича: «Ҳазрати Оиша (р.а.)нинг ҳузурларига бир тиланчи хотин келди. Оиша (р.а.) онамиз бу хотинга уч дона хурмо берган эдилар, у ёнидаги икки боласига хурмолардан иккитасини бериб, бирини ўзига олиб қолди. Болалар хурмоларини еб бўлиб, яна оналарига қарашди. Она ўзи учун олиб қолган хурмони иккига бўлди–да, яримтадан болаларига узатди. Расулуллоҳ (с.а.в.) келганларида ҳазрати Оиша (р.а.) бу воқеани ҳикоя қилиб берган эдилар, у жаноб: «Сен бундан нега ажабланасан? Икки боласига марҳамат, меҳр шафқат қилгани учун Аллоҳ таоло ҳам унга марҳамат қилади», дедилар.

Аллоҳ нақадар буюк ва саховатли: У онага ўзи меҳр-шафқат ато этиб, яна бунинг эвазига ажру мукофот ҳам беради.

Аллоҳнинг билдирган ҳикматлари ҳақида тафаккур қилувчи, нафс устидан жиҳод этгувчи, ўзининг солиҳ амаллари билан жаннат умидида ҳаёт кечиргувчи инсонлар онанинг ҳаққига ҳолисанлиллоҳ риоят этганлар. Бунга тарихда ўтган олиму валиюллоҳлар ҳаёти, фаолияти гувоҳ.

«Боязид Бистомий Мадинаи мунавварани зиёрат этдилар. Андин сўнг хотирларига кечдиким, энди волидаси хизматига боргай. Нечанд ёронлари бирла йўлга тушдилар. Бистомга овоза тушдиким, Боязид келур эмиш. Бистом халқи тўла сафарбар бўлди. Боязид хоҳиш қилдиларким: «буларнинг эътиқодин ўзимдан сўндирай». Шаҳарга кирдилар эрса, нонвойнинг дўконидан бир нон олдилар. Бозор уза ўлтуриб едилар (моҳи рамазон эди). Халқ буни кўрди, ҳаммасининг кўнгли ёнди. Боязидга эътибор қолмади. Ҳаммалари тарқалишдилар.

Боязид ҳамроҳларига дедилар:

– Кўрдингизми? Бир масалаи шариатга амал қилмадим. Ҳамма халойиқ мендан юз ўгирдилар. Мен улардан халос бўлдим.

Ондан сўнг саҳар вақтида ҳовлилари эшигига бордилар, қулоқ тутдилар ва эшитдиларким, волидалари таҳорат қилиб ўлтуруб айтадурким:

– Худовандо, менинг ул мусофир, ғариб боламни саломат тутқил ва машойихлар кўнглини анга мойил қилғил.

Боязид волиданинг бу янглиғ муножотини эшитдилар эрса, йиғладилар ва эшик қоқтилар.

Волида деди:

– Кимсан, на кишисан?

Боязид дедилар:

– Мен сенинг ўғлингман!

Волида югуруб, кўзда ашк ила эшик очти. Деди:

– Эй тайфур (яъни эй тезхуш) фарзандим, кўзим тийра бўлди. Андоқким сенинг фироқингда йиғладим ва қаддим ҳам бўлди, ончаким сенинг ғаминг юкини кўтардим.

Айтибдурлар: Боязид бир назари шафқат бирла волидага қарадилар. Ҳар икки кўзи равшан бўлди ва қадди рост бўлди.

Нақл қилибдурларким, Боязид айтурлар:

– Ҳамма ибодатдин кейин қилур иш деб билганим, ҳамма ибодатдин илгари қилур иш эркан, ул ҳам бўлса волида хизмати ва анинг ризоси эмиш!

Нақл қилибдурларким, Боязид дебдурлар:

– Тотқон риёзат ва кўрган машаққатлардин ва кўрган ғурбатлардин излайдурғон ишларимни бу бир ишда топтимким, бир кеча волида мендан сув тилади. Кўзада сув йўқ эркан. Ночор ариқдан бориб сув олиб келдим ва сув келтургунимча волиданинг кўзи уйқуга борибдур. Мен сувни тутуб волидам бошида ўлтурдим. Қачонким волидам уйғонди ва сув тилади, илкимдан сувни олгунча камоли совуқдин жом илкимга туташибдур.

Волидам деди:

– Эй фарзанд, на учун жомни ерга қўймадинг?

Мен дедим:

– Қўрқтимки, сиз уйғониб сув тиласангиз, мен ҳозир бўлмасам, бефармонлиқ бўлғай.

Андин кейин сувни олиб ичти. Менга дуо қилди ва деди:

– Эшикни бир тарафини очиб қўйгилким, саҳар бўлғонин англағайман.

То саҳар бўлгунча мен гумонда турдумким, эшикни ўнг тарафини очиб қўйғайманми ё чап тарафини очиб қўйғайманми. Волидам истаги хилофини қилмағайман. Қачонким вақти саҳар бўлди эрса, не вақтдин бери умид эткан ва кўз тутканим эшикдан кира бошлади, яъни ҳарна файз ва раҳматки, ҳақ таоло даргоҳидан умид тутуб эрдим, ушбу вақтда ҳосил бўлди».

Ушбу ҳикоят сўфийликка хос рамзларга бой. Ҳар бир сўз ва жумла ҳам зоҳирӣ, ҳам ботинӣ маъно ташийдӣ. Албатта, Боязид Бистомийдек валий зот Аллоҳ фарзига хилоф этмаганлар. Балки оламнинг ўзларига нисбатан ортиқча эъзозу эътиборидан, барча валий зотлар сингари, қочганлар. Бозорда элни кўзича, рамазон ойи бўлишига қарамасдан, нон ейишлари шуҳрат тузоғидан қочишларига рамзий ишора холос. Қолаверса, бу ҳикоятда Аллоҳнинг она ризосини қозониш ҳақидаги амри, яъни шаръий амал, барча дунёвий, нафсоний фаолиятлардан устун қўйилади. Она ризосига эришмоқнинг ҳикмати, нақадар улугъ фазилат эканига ургу берилади.



Халқнинг «Ота-она дуоси ўтга-сувга ботирмас», деган мақолида ҳам айнан шу нарса кўзда тутилади. Яъниким, ота-она ризосига эришган фарзанднинг ҳар икки дунёси обод бўлади. Уларнинг дуоси бу дунёда барча балойи офатлардан (яъни сувдан) асраса, охиратда дўзах азоби – ўтдан муҳофаза этади.

ҚЎШИҚ НОТАСИ

МАШРАБ газали

М.М. ♩ = 96

Муסיқа муаллифи ва ижрочи

Аҳмаджон ПАДАЕВ

Жа-мо-линг кўр- га-ли кел- дим

а- ё эй меҳ- ри- бон о- нам Ме-нинг у-чун

а- до бўл- ган ю-ра- ги бағ- ри қон о- нам

Хў-ган даш-ти- га туш- дим ул фа-лак-нинг гар- ди- ши бир-лан

Э-шит-гин ар- зи ҳо- лим- ни мен ай- тай сен-

га жон о- нам Э-шит-гин ар- зи ҳо- лим- ни

мен ай-тай сен- га жон о- нам

А-жо- йиб меҳ-

ри-бо-ним-сан ме-нинг о-ро-ми-жо-ним-сан

Му-ро-ди ду жа-ҳо-ним-сан бе-ҳиш-ти жо-ви-дон о-нам

Ме-ни бу жо-ду кўз-лик бу жа-ҳон ич-ра

ха-роб эт-ди Қа-ди сар-ву са-но-бар қош

ла-ри мис-ли ка-мон о-нам Қа-ди сар-ву

са-но-бар қош-ла-ри мис-ли ка-мон о-нам

Се-ни кўп ин-ти-зор эт-дим фи-роқ ў-ти-да эй Каъ-бам

Та-во-фи Каъ-баи мақ-су-да кел-дим дил-да шон о-нам

И-ло-ҳи авф қил-гай-сан-му Маш-раб-нинг

гу-но-ҳи-ни Ту-фай-ли о-на-и зо-рим

га-ри-бу но та-вон о-нам Ту-фай-ли о

на-и зо-рим га-ри-бу но та-вон о-нам

а-ё эй меҳ-ри-бон о-нам

ҚЎШИҚ МАТНИ

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлгон, юраги бағри қон онам.

Хўтан даштига туштим ул фалакнинг гардиши бирлан,
Эшитгин арзи ҳолимни мен айтай сенга, жон, онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, менинг оромижонимсан.
Муроди ду жаҳонимсан, беҳишти жовидон онам.

Мени бу жоду кўзлук бу жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарви-суманбар, қошлари мисли камон, онам.

Сени кўп интизор этдим, фироқ ўтига эй Каъбам,
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилда шон онам.

Илоҳо, авф қилгайсанму бу Машрабнинг гуноҳини,
Туфайли онаи зорим, ғарибу нотавон онам.

Л у ф а т

«Муроди ду жаҳон» – икки дунё саодати маъносида.
«Тавофи Каъбаи мақсуда» келмоқ – Каъба зиёрати мақсадида келмоқ.

Ш а р ҳ

Эй, менинг учун бор будини сарфлаб, фироқ ўтида адо бўлган онам, сенинг жамолингни кўргани келдим. Хўтан даштига (Шарқий Туркистондаги вилоят) тақдир мени улоқтирди. Шу сабаб сендан айро тушдимки, арзимни тингла. Ахир ўзинг жонимга ором бергувчи, икки дунёим саодатисан-ку! Мен ишқ йўлида харобман. Маъшуқам мени фоний дунёда хору зор қилди. Аммо муродимга еткизувчи сенинг дуойингдир. Ўз ташвишим билан бўлиб, сени кўп азобга қўйдим. ҳолбуки, сен менинг Каъбамсан. Бугун сени тавоф этишга изн бергин. Ё, Парвардигор! Банданг Машраб гуноҳларини шу ғариби нотавон онасининг дуоси шарофати билан авф этгин.

ТЎРТИНЧИ САБОҚ:

«ЭЙ ЎҒУЛ...»

Инсон ва жамият ҳаётида муомала, лафз муҳим ўрин тутади. Яхши муомала, ширин тил саодатнинг калити ҳисобланади. Тил том маънода инсон ички дунёсининг таржимони. Одамларнинг ўзаро муносабатларидаги бош мезон. Зеро, қўл билан берилган озор танага, тил билан берилган озор қалбга тегади. Тан жароҳати тузалганда ҳам, қалбга берилган озор ҳеч қачон тузалмайди. Шу боис, ҳаётда «ёмон» деб ном чиқарганларга нисбатан «танозор» эмас, «дилозор» сўзи қўлланади. Жамиятдаги дилозор кимсалар мисоли дарахтга тушган қуртдирлар. Улар инсониятни ичдан емиришга «хизмат» қиладилар. Оилада, айниқса, ота-она ва фарзанд муносабатида тилга эҳтиёткорлик, маданий муомала, ҳалмлик жуда зарурдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда иймоннинг асосий шартларидан бири ҳилм, деб уқдиради: «Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндош – уруғ, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг» (2:83). Эътибор қилинса, ушбу оятда «кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз» лафзи намоз ҳақидаги ҳукмдан олдин келяпти. Демак, Аллоҳнинг назарида дилозорлик, муомалада қўпол бўлиш, намозни тўқис адо қилмасликдан ҳам оғирроқ гуноҳдир. Ёки зоҳиран мусулмонликни даъво қилиб, қалб гавҳарини иймон нури билан нурлантира олмаган, қалби юмшамаган инсон ҳеч қачон комил инсон бўла олмайди, деган хулоса келиб чиқади ушбу оятдан. Алишер Навоийнинг:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса обод айлағай. . .

деган байтларида айнан ушбу оят мазмуни назарда тутилган десак, хато бўлмайди. Улуғ шoirимиз инсон қалбига озор берилишини, бутун аввали охир мусулмонлари муқаддас санайдиган Каъбатуллоҳнинг вайрон бўлишига тенглаштирадилар. Зотан, инсон қалби шунчалар нозиклигини ҳар ким ҳам, ҳар қачон ҳам эслайвермайди. Бегоналар нари турсин, ҳатто ўз мавжудиятига сабабчи бўлган ота-онасига-да хуш муомалани раво кўрмайдиган бадбахтлар учрайди. Адиб Аҳмаднинг «Қора бош балоси қизил тил турур» деган ҳикматли сатрлари бор. Ҳазрат Навоийдан «Қошга балони нима келтиради», деб сўрашганда тилларини чиқариб кўрсатган эканлар. Тил келтирадиган бало шундай балоки, биз бу бало хуружидан фоний дунёда қутулиб қолишимиз мумкин. Лекин бу бизни қувонтирмаслиги лозимки, охираат жазоси олдида фоний дунё офатлари қуёш олдидаги заррачадир.

Ота-онага яхши муомалада бўлиш, уларнинг кўнгилларига озор бермаслик ҳар бир фарзанд сўзсиз ўзига дастуруламал қилиб олиши лозим бўлган шартлардандир. Аллоҳ Қуръони Каримда: «Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут, хоксор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил!)» (17:23-24), деб марҳамат қилади. Агарки, инсоният ушбу амрга сўзсиз итоат қилганида бу дунёда ҳам, охираат дунёсида ҳам бахтли бўлиши шубҳасиз эди. Тангри ҳатто ўз муаммоларинг ошиб-тошган, дунё ташвишларидан кўнглинг тун каби қора бўлган тақдирда ҳам кекса ота-онанг олдида буни ошкор этма – «уф» тортма, деб амр этмоқда. Ҳар қандай вазиятда уларга «яхши сўз айт!» деб ҳалимликка, ота-она ризосида сўзнинг аҳамиятига алоҳида урғу беряпти. Чунки кексаларнинг қалби ҳам жисми каби мўрт бўлади. Биргина қўпол сўз уларга камоннинг заҳарли ўқидек таъсир қилиши мумкин. Оқибатда тилини асрай олмаган фарзанд «бадбахтлик» тамғасини олиши ҳеч гап эмас.

Қуръони Каримдаги ушбу оят мазмуни Урвайт ибн Зубайр (р.а.) «Ота-онанг нимани истаса, ўшани ижро қилишдан имтиноъ (рад) қилма», – деб таъриф қилган эканлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ота-она меҳрига тўйиш муяссар бўлмаган. Аммо у зот бир умр ўз умматларини ота-онага яхши сўз айтишга, уларга нисбатан ҳилм ва одобда бўлишга ундаб келганлар. Абу Мурра (р.а.)дан ривоят қилинишича: «Марвон ибн ал-ҳакам Мадинадан бирор жойга сафар қилганларида ўрниларига Абу Ҳурайрани қолдириб кетардилар. Абу Ҳурайра (р.а.) Зу-л-ҳузайфада туруб, ўзлари бир хонада, оналари бошқа хонада истиқомат қилардилар.

Абу Ҳурайра (р.а.) қачон ўз хоналаридан ташқари чиқадиган бўлсалар, оналари яшайдиган хона эшиги олдига келиб эҳтиром билан салом берардилар—да: «Мени ёшлигимдан тарбият қилганингиз учун сизга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин», — дер эдилар. Оналари ҳам у кишининг саломларига жавоб қайтариб: «Катта бўлганингиз менга яхшилик қилаётганингиз, ризоимни олаётганингиз учун сенга ҳам Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин», — дер эдилар. Абу Ҳурайра (р.а.) ташқаридан қайтиб келганларида ҳам она—бола ўртасида шу муомала такрорланарди».

Фарзанд ва ота—она ўртасидаги муомалага доир ушбу ҳадис барчамизга ибрат бўларликдир. Илло, бесуюк тилимиздан чиққан ҳар бир сўз ҳақ фаришталари томонидан номаи аъмомизга ёзилиб турибди. Ота—онага қилинган яхши муомала, муносабат, уларнинг ҳақларига қилинган ҳар бир хайрли дуо жаннат сари ташланган қадамдир.

Ривоят қилишларича: «Ҳазрати Мусо алайҳиссалом Тур тоғида жаноби Ҳаққа илтижо этди: — Ё Раббим! Жаннатда йўлдошим, қўшним ким бўлади?»

Жаноби Ҳақ Мусо (а.с.)га:

— Эй Мусо, фалон қасабада, қассоблар орасида ёшгина бир қассоб бор. У сенинг жаннатдаги йўлдошингдир, — деб пайғом юборди.

Мусо алайҳиссалом дарҳол йўлга чиқдилар ва ўша мамлакатга бориб, ёш қассобни топдилар. Бир муддат унинг дўконида ўтирдилар. Қассоб йигит у кишини кўрмасидан аввал мусавийлик эътиқодини қабул қилган, Аллоҳнинг бирлигига иймон келтирган эди. У ўз пайғамбарини уйига таклиф этди, меҳмон қилди. Бу нуруний, ниҳоятда истараси иссиқ, гўзал меҳмондан қассоб жуда мамнун эди. Дастурхон олдига ўтирдилар. Қассоб йигит ўзи овқат ейишидан олдин, баланд деворга осиб қўйилган замбилни авайлаб олди ва ерга қўйди. Уни ичида ниҳоятда қартайган бир кампир бор эди. Кампирни аввал болани овқатлантиргандек овқатлантирди, чой ичирди, баданларини уқалади. Кейин яна замбилга солиб деворга осиб қўйди. Шу аснода ҳазрати Мусо (а.с.) кампирнинг нимадир деб пичирлаганини эшитдилар. Сўрадиларки:

— Ўғлим, бу кампир киминг бўлади?

Қассоб:

— Бу аёл менинг волидамдир. Туриб ўтиришга, овқат ейишга кучи етмайди. Эртаю кеч мен унга қарайман. Ҳамма хизматларини, имкон қадар, хуш муомалада бажо келтираман, — деди.

Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, онангга қилган бу хизматингдан жуда мамнун бўлдим, лекин нега уни замбилга солиб деворга осиб қўйганингни тушунмадим, — дедилар.

Қассоб:

— Ҳазратим, авваллари онам ерда тўшак устида ётар эди. Бир куни мен уйда йўқлигимда, думалаб эшик олдига бориб қолибди. Шундан хавфланиб, уни деворга осиб қўяман, — деб жавоб берибди.

Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, онангга овқат берганингдан сўнг унинг оғзи қимирлаб нимадир деди, шуни ҳам тушуна олмадим, — дедилар.

Қассоб жавоб қилди:

— Онам мени: «Ё Раббим! Мен ўғлимдан хушнуд ва розиман, сен ҳам ундан рози бўл. Мен оналик ҳаққини — берган сутимни унга ҳалол этдим, берган сутимга рози бўлдим. Ё Раббим! Охиратда унинг жойини жаннати аълода пайғамбаримиз Мусо алайҳиссаломга дўст ва йўлдош айла, — деб дуо қилди.

Ҳазрати Мусо дедилар:

— Эй ўғлим, мен Мусо Каломуллоҳман. Тур тоғидан келдим. Мени сенинг олдинга жаноби Ҳақ юборди. . . Сенга мужда — хушхабар бўлсинким, Худо сендан рози бўлди. Онангнинг дуоси боис, мен сен билан жаннатда йўлдошимиз».

Ота—онага қилинган холис хизмат, Аллоҳ йўлида яхши муомаланинг даражаси, ажри—савоби шунчалар улуғ. Улуғлиги шундаки, уларнинг дуоси ҳақир бир инсонни жаннатда пайғамбарлар билан дўст—биродар қилишига қодир. Баъзан ҳаётда ота—онанинг кексалигидан, уларнинг жисмига ҳаёт машаққатлари солган ажинлардан ор қилгувчи фарзандлар ҳам учраб туради. Агар улар бу ишлари билан нақадар улкан мукофотдан бенасиб қолаётганларини билганларида, агар иймонлари уйғонганида кечаю кундуз кўзёши тўкиб, қолган умрларини ўзларини маломат қилиш билан ўтказган бўлур эдилар.

Доно халқимизнинг «Отанга бошингни ҳам қил, онангга гапингни кам қил» деган мақоли тасодифан айтилган эмас. Ушбу сўзлар негизда минглаб аждодларимизнинг ҳаёт тажрибалари, ишончи ва умиди мужассамки, бунга ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Эй ў-ғул ҳад- динг- да тур о-танг са-ни сот- ган- да ҳам

Ин чу-нин муш-фиқ о- нанг- ни сўз-ла-ри бот- ган- да ҳам

Эй ў-ғул ҳад-динг- да тур о-танг са-ни сотган-да ҳам ин-чу-нин муш-фиқ о-нанг- ни сўз-ла-ри бот-ган- да ҳам

Кеч-ма-гил фар-зан- ди-сан кек-са-лик ҳо-лин- да-сен,

Кеч-ма-ди сан дин а- лар заҳ-ру зақ- қум ют-ган- да ҳам

Ҳар не-чук дав- лат- дин ор- тиқ- дур са-ло- мат- лик сен-га,

Шу-кур-лар так- рор қил- ки ке-ча- лар ёт-ган- да ҳам

Бахт йў- лим боғ - лан-ма-сун ум-рим гў-зал ўт-сун де- санг, Эр-та ёт- гил, эр- та тур- гил, ёт-ма тонг от-ган- да ҳам.

Зеҳ-ни паст, бе- пар- во- лар - га ил- ме ҳеч-
 юқ-мас вале Иб-ни Си- но гор и- чин- да ҳик- мат
 ўр-гат ган да ҳам.
 Ол-са мард ол-син бо- шинг-ни мард- лар ё- ни- да бў-л(ей) - -
 Бор мано- мард қо- ши-ға ҳар чанд бо- шинг қот- ган- да ҳам
 Эй Са- ло-
 ҳий, чек- ма кўп ғам баъ- зи- лар ҳақ- қин- да сен, Бой бе- рур
 бе- баҳ- ра- лар гав- ҳар- ни уч- рат- ган- да ҳам.
 Эй Са- ло- ҳий чек- ма кўп ғам
 баъ- зи- лар ҳақ- қин- да сен, Бой бе- рар бе- баҳ- ра- лар
 гав- ҳар- ни уч- рат- ган- да ҳам
 Эй ў- гил ҳад- динг- да тур О- танг са- ни сот- ган- да ҳам
 ин чи- нун муш- фиқо о- нанг- ни сўз- ла- ри бот- ган- да ҳам

ин чи-нун муш-фиқ(о) о-нанг- ни

сўз-ла-ри бот-ган- да ҳам.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Эй ўғул, ҳадингда тур, отанг сени сотганда ҳам,
Инчинун мушфиқ онангнинг сўзлари ботганда ҳам.

Кечмагил фарзандисан кексалик ҳолинда сен,
Кечмади сендин алар заҳру заққум ютганда ҳам.

Ҳар нечук давлатдин ортиқдур саломатлик сенга,
Шунга сен шукр айлагил, кечалар ётганда ҳам.

Бахт йўлим боғланмасун, умрум гўзал ўтсун, десанг,
Эрта ётгил, эрта тургил, ётма тонг отганда ҳам.

Зеҳни паст, бепарволарга илме ҳеч юқмас, вале
Ибни Сино ғор ичинда ҳикмат ўргатганда ҳам.

Эй Салоҳий, чекма кўп ғам баъзилар ҳаққинда сен,
Бой берур бебаҳралар гавҳарни учратганда ҳам.

Ш а р ҳ

Эй фарзанд! Ота-онанг сенга ҳар қанча ҳақдорлик даво қилганда ҳам, унинг ҳузурида одоб чегарасидан чиқмагин. Улар сени, ҳатто қул қилиб сотишга ҳам ҳаққи бор. Ота-онангнинг баъзи сўзлари сенга ёқмаслиги мумкин. Аммо, шунда ҳам, буни ошкор этма. Кексалик ёшига етсалар, муҳтожликлари боис, улардан кечиб кетма, яъни уларни қаровсиз қолдирма. Зотан, сен ўта заиф чақалоқ бўлганинда, ўз заифлигинг, инжиқлигинг туфайли уларни азобларга қўйганинда ҳам ота-онанг сенга раҳм-шафқат кўрсатишган эди. Ота-она дуосини олсанг, энг катта бойлик – саломатликка эга бўласан. Дунёнинг ўткинчи ҳавасларига учмасдан, бунинг учун Аллоҳга шукрона айт. Икки дунё саодатин истасанг, тонгла туриб ибодат қил ва ота-онанг розилиги йўлида холис хизматга кириш. Албатта, табиатан зеҳнсиз, лоқайд бўлганлар бундай ўғитлар маъносига етмайдилар. Буларга донишманд устознинг ўргатган ҳикматлари ҳам кор қилмайди. Шундай экан, эй Салоҳий, сен бундай ҳолатлардан қайғуга ботма. Баъзи кимсалар Худо берган ҳидоят (гавҳар) ни ҳам бой берадилар-ки, ажабланишга ҳожат йўқ.

БЕШИНЧИ САБОҚ:

«ВОЛИДАНГНИ РОЗИ ҚИЛ...»

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат жараёни ўта мураккаб кечади. Гарчи ота-она меҳрини тоғларга, улкан денгизларга қиёс этсалар-да, улар ҳам инсон. Шу боис, баъзида ота-оналардаги сўнгсиз меҳр ўрнини қаҳру ғазаб эгаллаши мумкин. Шундай ҳолатларда ота-она ўз дилбандини ғазаб устида оқ қилиб юборадиларки, бундай оғир мусибатдан ҳаммамизни Аллоҳнинг ўзи асрасин. Бундай фожеий ҳолатнинг юзага келишида, асосан, фарзандларнинг ўзлари сабабчи бўлиб қоладилар. Ҳаётда эришган арзимас ютуқлари, турли йўллар билан топилган бойликлари, хотин, фарзанд, мансаб дея аталмиш ўткинчи ҳаваслар гоҳида фарзанд кўзларига парда бўлиб тушади. Ўзининг кексайган, сал эмароқ, бола каби инжиқроқ отаси ёки онасини ўзи учун ортиқча ташвиш, деб ўйлаган фарзанд аслида нақадар улуғ бир ажрдан, Аллоҳнинг беҳисоб раҳматидан ажралаёзганини унутади. Падарини ва волидасини ранжитар экан, ўзининг ўткинчи ҳаваслари қулига айланади гўё. Ҳақиқатда эса, бу пайтда у шайтони лайъиннинг измига тушган, қулига айланган бўлади. Аъзубиллаҳи минаш-шайтонир-рожийм.

Биз бугун ақидадан шу даражада узоқлашдикки, дунёнинг арзимаган ҳаваслари боис ота-онамизни ранжитамиз ва бунинг қанчалар оғир гуноҳ эканини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Абдуллоҳ ибн Масъуд айтган эканлар: «Мўмин одам гуноҳларини қулай-қулай деб турган улкан тоғдек, ўзини эса шу тоғ босиб қоладиган пашшадек тасаввур қилади. Фожир одам гуноҳларини бурни устига қўнган ва қўли билан ҳайдаса, яна учиб кетадиган пашшадек кўради». Бизнинг бугунги ҳолатимиз Ибн Масъуд таърифлаган «фожир» ҳолатига ўхшаб кетади, валлоҳу аълам биссаваб. Бугун бизнинг ҳолатимизни олтин излашга муккасидан кетиб, устидан тупроқ босиб қолишини унутган киши ҳолатига ташбеҳ этиш мумкин. Ҳолбуки, Қуръони Каримда Аллоҳ йўлида қойим иймонли – ота-онасига озор берган фарзанд кофирлар қаторида азобга гирифтор бўлиши ҳақида хабар берилади: «Яна бир кимса борки, ота-онасига: «Суф сизларга! Сизлар менга (ўлганидан кейин қайта тирилиб, қабрдан) чиқарилишим ҳақида ваъда беряписизларми?! Ҳолбуки, мендан илгари ҳам асрлар-авлодлар ўтганку, (улардан бирортаси) қайта тирилиб келдимми?!» – дер. У иккиси Аллоҳдан мадад тилаганлари ҳолда (ўғилларига қараб): «ҳалок бўлгур, иймон келтиргин! Албатта, Аллоҳнинг (барча бандаларни қайта тирилтириш ҳақидаги) ваъдаси ҳақдир», (десалар) у: «Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир», дер. Ана ўшалар шундай кимсалардирки, уларнинг устига ўзларидан илгари ўтган инсу жинсдан иборат (кофир) умматлар қаторида (азоб) сўзи ҳақ бўлгандир. Албатта улар зиён кўргувчи бўлдилар». (46:17-18).

Имрон ибн Ҳасан (р.а.) айтадилар: «Расулulloҳ саҳобаларидан: «Зино қилиш, маст қиладиган ичимликни ичиш ва ўғрилиқ қилиш ҳақида нима дейсизлар?» – деб сўрадилар. Улар: «Валлоҳу ва Расулуҳу аълам», – деб жавоб беришди. Шунда Расулulloҳ: «Булар ўта кетган қабоҳат ишлар бўлиб, охиратда ҳам бу дунёнинг ўзида ҳам уларнинг уқубати, жазоси белгилангандир. Мен сизларга гуноҳларини энг катталарини айтиб берайми? Булар: Аллоҳ раббил аъламинга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш», – дедилар-да, суяниб ўтирган ҳолатларини ўзгартириб тиз чўкиб олдилар ва: «ҳамда ёлгон сўзлаш ва тухмат қилиш», – деб қўшиб қўйдилар».

Аллоҳга ширк келтирган одам абадий бахтсиздир. У дўзах азобини ўзига нақд қилиб олади. Энг даҳшатлиси жаҳаннамда абадий қолади. Ундан ҳеч қачон чиқарилмайди. Демак, Аллоҳнинг раҳматидан бенасиб бўлади. Аллоҳ бундай бахтсизликдан ўзи асрасин. Расулulloҳ алайҳиссалоти васаллам инсон учун энг улкан гуноҳ – ширкдан кейинги гуноҳ сифатида ота-онага оқ бўлишни кўрсатаяптилар. Ақл юргизган одам бунинг даҳшатини, фожиасини жуда яхши англайди. Шаръий ҳукмларга кўра, ақли заиф одамлар (мажнунлар) гина Қиёмат кунидаги суддан озод бўладилар. Билиб туриб ота-онасини ранжитган, уларга оқ бўлишдек улкан бахтсизликка учраган киши мисоли мажнундир. Бироқ улар орасида катта бир тафовут бор. Мажнун Қиёмат куни фақат мажнунлиги сабаб жазодан озод қилинади. Оқпадарлар эса мустаҳиқ жазога рўбарў бўладилар.

Илло, болаларини оқ қилган ота-оналар ҳам охиратда, гарчи жаннатга ноил бўлган бўлсалар-да, хору зор, ҳақир ҳолатда маҳшаргоҳга келган фарзандларини кўриб, диллари хуфтон бўлади – ҳар не бўлганда ҳам, ота-ота, она – бу она-да. Афсуслар бўлсинки, ноқобил фарзанд ота-онасига нафақат фоний дунёда, балки охиратда ҳам озор беради. Исломи дини шу боис ҳам барча иймон келтирган бандаларни ҳилм ва кечиримлиликка даъват этади.

Ҳожи Абдулла Ориф томонидан шеър тилига кўчирилган ушбу ибратли ривоятнинг ҳикмати беқиёс:

Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.

Ота фиғон чекар Каъба қошида,
Гўё унут бўлгай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам, гарчанд бошида,
Сира кетолмади бир гапдан нари.

Каъбага юкинар экан кекса чол
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: – Ибодатим кетса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга.

Қиссадан ҳисса шуки, ноқобил фарзанддан ранжиган ота ёки она, имкон қадар кечиришга, боласига нисбатан шафқатли бўлишга мойил бўлади. Мазкур ҳикоятда ўглининг дилозорлиги сабаб ўз уйидан бош олиб кетган ота қисмати қалбимизда фожей туйғу уйғотади. Унга чин юракдан ачинамиз. Илло, Аллоҳ бизнинг тасаввуримиз қамраб ололмайдиган даражада меҳрибонроқ ва Алиймдир. Унинг инояти билан Каъбатиллоҳ зиёрати шарафига ноил бўлган ота, шундай улуг жойда Аллоҳдан неки сўраса ижобат эди. Нокомилроқ киши бўлганида, балки ноқобил ўғилни дуойибад қилган, Яратгандан унга жазо беришини тилаган бўлур эди. Бироқ боши узра Аллоҳнинг «нажоти чарх уриб турган» ота Тангрининг уйида ёмон ният қилмайди. Зотан, Тангри инояти ила ҳожилик мартабасига эришган ота ўғлига саодат тиламаслиги ҳам мумкин эмас эди. Шубҳасиз, Аллоҳнинг барча ишлари буюк ҳикматлар билан йўғрилган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлик даврларида Алқама исмли йигит билан рўй берган воқеа янада ибратлироқдир.

Анас ибн Молик (р.а.) айтадилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида Алқама исмли йигит бор эди. У ўта тиришқоқ, кўп садақа қилувчи эди. Бир куни касал бўлиб, касали кучайди. Хотини Пайғамбар (с.а.в.) га эрини жон чиқар ҳолатида эканидан хабар берди. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) ҳазрати Билол ва Али, Салмон ва Аммор (р.а.) ларни «унинг ҳолини кўринглар», – деб юбордилар. Улар Алқаманинг уйига келдилар. Унга: «Ла илаҳа иллаллоҳ, дегин», – дедилар. Бу гап унинг тилига келмади. Улар ишондиларки, иймонсиз кетса керак, деб. Кейин Билол (р.а.)ни Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдиларига бу ҳолдан хабар бериш учун юбордилар. Пайғамбар (с.а.в.): «Унинг ота-онаси борми?» – деб сўрадилар. Айтишди: «Отаси ўлган, лекин бир қари онаси бор», – деб. Пайғамбар (с.а.в.) Билолга: «Эй Билол! Онасининг олдига боргил, мендан салом айт, дегилки: «Агар қодир бўлсангиз, Расулуллоҳнинг олдиларига боринг. Йўқса кутиб туринг, олдингизга Расулуллоҳнинг ўзлари келгайлар», – деб айт», дея тайинладилар. Билол (р.а.) бориб, бу хабарни етказди. Алқаманинг онаси: «Жоним Расулуллоҳга фидо, мен боришга ҳақлироқман», – деди-да ҳассасини олиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига жўнади. Етиб келгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки: «Менга тўғрисини айтинг, ёлгон гапирсангиз менга Аллоҳ таолодан ваҳий келади. Алқаманинг ҳоли қандай эди?» Онаси: «Ё Расулуллоҳ, намоз ўқирди, рўза тутарди, кўп садақа берарди, берган садақасининг ўлчовини билмайман». Расулуллоҳ айтдилар: «Сизнинг у билан муносабатингиз қандай эди?». Онаси айтди: «Ё Расулуллоҳ, мен ундан хафаман». Айтдилар: «Нима сабабдан?» Онаси айтди: «У хотинини мендан устун қўярди, унга қулоқ солиб, мени тингламасди». Шунда Расулуллоҳ: «Онасининг ғазаби Алқамани «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ», – деб гувоҳлик беришдан тўсибди», дедилар ва Билолга қарата: «Кўп ўтин йиққин, уни ёндирамиз», – дедилар. Онаси: «Ё Расулуллоҳ, ўғлимни – қалбимнинг мевасини кўз ўнгимда ёндирасизми? Қандай қилиб қалбим бардош беради?» – деди. Расулуллоҳ: «Эй Алқаманинг онаси! Аллоҳнинг азоби қаттиқ. Агар Аллоҳ уни кечиришини истасангиз, ундан рози бўлинг. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сиз ундан ғазабда бўлар экансиз, намозу садақаси қабул бўлмайди!» Шунда Алқаманинг онаси қўлини кўтариб: «Ё Расулуллоҳ! Аллоҳнинг элчиси бўлган Сизни ва атрофимдагиларни ҳақиқатда Алқамадан рози эканимга гувоҳ қиламан», – деди. Расулуллоҳ Билолга: «Эй Билол! Алқаманинг олдига бориб қарачи, «Ла Илаҳа иллаллоҳ», деб айтдимикан? Балки Алқаманинг онаси Пайғамбардан уялиб, дилида бўлмаган нарсани гапиргандир», – дедилар. Билол бориб эшикка етгач, Алқамани

нинг «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганини эшитдилар. Сўнгра: «Эй одамлар! Алқама онасининг ғазаби шаҳодат калимасини айтишдан уни тўсган экан, энди рози бўлганлиги учун тилини бўшатиб юборди» – дедилар. Алқама ўша куни вафот этди. Шундан сўнг Расулulloҳ (с.а.в.) уникига келиб, майитни ювишга ва кафанлашга буюрдилар. Жанозасини ўзлари ўқидилар. Дафндан сўнг қабр четида туриб: «Эй муҳожир ва ансорлар жамоаси! Кимки хотинини онасидан устун қўйса, Аллоҳнинг лаънати бўлади ва фарзу нафл ибодатлари қабул бўлмайди?» – дедилар.

Халқ орасида «Ота-онасини танимаган Тангрисини танимас» мақоли машҳур. Ушбу мақол юқорида билдирилган фикрларнинг бир жумлада ифода топган шаклидир.

ҚЎШИҚ НОТАСИ

Марҳабо МАМАДАЛИЕВА шеъри

М.М. ♩ = 80

Муסיқа муаллифи ва ижрочи

Абдулҳай КАРИМОВ

Му-ҳам- мад- нинг ум- ма- ти,
 Бў- лай де- санг жан- на- ти,
 Пар-вар- ди- гор ҳур- ма- ти, Бў- лай де- санг жан- на- ти,
 Пар-вар- ди- гор ҳур- ма- ти Му- ҳам- мад- нинг ум- ма- ти
 Во- ли- данг- ни ро- зи қил Му- ҳам- мад- нинг ум- ма- ти
 Во- ли- данг- ни ро- зи қил
 Тик қа-ра- ма кў- зи- га,
 И- то- ат эт сў- зи- га, Тик қа-ра- ма кў- зи- га,
 И- то- ат эт сў- зи- га, Қул-лик қил- гил Ў- зи- га,
 Во- ли- данг- ни ро- зи қил. Қул-лик қил- гил Ў- зи- га

Во-ли-данг-ни ро-зи қил.

Ур-са қў-лин си-ла-гин,

Турт-са ўп-гин би-ла-гин, Ур-са қў-лин си-ла-гин,

Турт-са ўп-гин би-ла-гин, Сўк-са у-мр ти-ла-гин,

Во-ли-данг-ни ро-зи қил Сўк-са у-мр ти-ла-гин,

Во-ли-данг-ни ро-зи қил.

У-луғ-лаш-дан тол-ма-гин,

Қар-ғи-ши-ни ол-ма-гин, У-луғ-лаш-дан тол-ма-гин,

Қар-ғи-ши-ни ол-ма-гин, Ат-танг қи-либ қол-ма-гил,

Во-ли-данг-ни ро-зи қил Ат-танг қи-либ қол-ма-гил

Во-ли-данг-ни ро-зи қил. Во-ли-данг-ни ро-зи қил.

Во-ли-данг-ни ро-зи қил. Во-ли-данг-ни ро-зи қил.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Бўлай десанг жаннати,
Парвардигор ҳурмати,
Муҳаммаднинг уммати,
Волидангни рози қил.

Тик қарама кўзига,
Итоат эт сўзига,
Қуллик қилгин Ўзига,
Волидангни рози қил.

Урса қўлин силагин,
Туртса ўпгин билагин,
Сўкса умр тилагин,
Волидангни рози қил.

Бузма она райъини,
Масжид билгин жойини,
Жойнамоз қил пойини,
Волидангни рози қил.

Ўқи Каломуллоҳни,
Сўзи бордир Аллоҳнинг,
Қўйгин Маккатуллоҳни,
Волидангни рози қил.

Улуғлашдан толмагин,
Қарғишини олмагин,
Аттанг қилиб қолмагин,
Волидангни рози қил.

Л у ф а т

- Волида — она.
«Қуллик қилгин Ўзига» — фақат Яратганга қуллик қил.
Каломуллоҳ — Аллоҳнинг сўзи — Қуръони Карим.

Ш а р ҳ

Эй фарзанд! Охиратинг обод бўлишини хоҳласанг, жаннатдан умидинг бўлса, ўзингни Муҳаммад алайҳиссалом уммати деб билсанг, Парвардигоринг буюрган амалга риоя қил, яъни онанг ризосини ол. Бировни кўзига тик қараш безбетликдан нишонадир. Сен безбет, ҳаёсиз бўлма. Ҳеч қачон онанг кўзларига тик қарама, унинг сўзларига итоатда бўл. Аллоҳдан ўзгага қуллик қилиб, дунё ҳавасларига берилиб, онангни ранжитиб қўйма. Онанг истагига, гарчи хато деб билсанг ҳам, қарши борма. У урганда ҳам, сўкканда ҳам ҳалийм бўл. Чунки оналарнинг ўтирган жойларини масжид, изларини жойнамоз қилсанг ҳам арзийди. Қуръони Каримда бу ҳақда Аллоҳнинг сўзи — ҳақ оятлари нозил бўлган. Онангни рози қилганинг, сен учун, Байтуллоҳ зиёратидан ҳам юксакроқ шараф ва ажрдир. Онангни ранжитиб, икки дунёнингни куйдирма. Кейинги пушаймон ўзингга душман бўлиб қолмасин. Бахтли бўлайин десанг, онанг тириклигида унинг ризосига эришишга ҳаракат қил.

ОЛТИНЧИ САБОҚ: «ОТАГА ТИК БОҚМА ...»

Ҳар қандай вазиятда бўлмасин ота-онага яхшилик қилиш, фарзанднинг бурчи. Бироқ итоат борасида бу гапни айтиб бўлмайди. Фарзанд тўқсон тўққиз ҳолатда – ҳатто улар: «Дунёдан воз кеч», десалар ҳам, ота-она амрини бажо этиши жоиз. Фақат бир ҳолатдагина уларга итоат этмаслик мумкинки, бу эътиқод масаласи. Ислом шариати «Гуноҳ бўлмаган ҳолларда ота-она амрига итоат этиш» ҳақида таълим берар экан, гуноҳ бўлган ҳоллар масаласида, айнан, иймонни кўзда тутуди.

Дарҳақиқат, исломда энг муҳими – бу иймон масаласидир. Дейлик, бирор киши Аллоҳнинг бирлигига ва борлигига иймон келтирган. Ҳаёт тарзини тавҳид асосида, шариат ҳукмига кўра олиб боради. Шу инсоннинг ота-онаси эса динсиз, Аллоҳ ҳидоятидан бебаҳра. Шундай ҳолатда мусулмон фарзанд нима қилиши, қандай йўл тутиши лозим?

Қуръони Каримда инсоният турмушига доир улкан масалалардан энг майда икир-чикирларигача тўла қамраб олинган. Хусусан, юқоридаги масала ҳам аниқ-тиниқ ифодасини топган. «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик (яъни ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир, аммо) агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (яъни сохта «худо»ларни) Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этманг! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас (ўша кунда) Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман» (29:8). Ушбу оятга кўра фарзанд фақат биргина ҳолатда, яъни Аллоҳга ширк келтиришга буюрган ота-она амрини рад этиши мумкин. Аллоҳ таоло ота-онанинг иймонга, тавҳидга зид буйруқларига итоат этмасликни буюрар экан, албатта, бир улғ кун (Қиёмат) да барча инсонлар ўзига қайтиши аниқлиги билан огоҳлантиради. Бу огоҳлантириш сўзлари фақат фарзандга эмас, балки кўпроқ ота-онага тегишлидир. Чунки бундай йўл тутган ота-она нафақат фарзандига, ҳатто ўзига ҳам муқаррар зулм қилган бўлади.

Агар ота-она мушрик, жоҳил ёхуд ўта зулмкор бўлса, иймонга зид келадиган ботил амалларга буюрса, уларга итоат қилмаслик мумкин. Лекин, шуни унутмаслик зарурки, итоат этмаслик дегани зинҳор улардан воз кечиш, уларга зулм қилиш дегани эмас. Яъни ота-онага итоат қилмаслик, фарзанднинг улар олдидаги бурчларини заррача бўлсин камайтирмайди. Асосий хулоса шуки, ҳар қандай вазиятда фарзандлар ота-оналарига яхшилик қилишга мажбурдирлар. Чунки Аллоҳ таоло айнан шундай амр қилади.

Келтирилган оятнинг сабаби нузули Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаларидан Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) ҳаётларида рўй берган бир воқеа билан боғлиқ. Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда баён этилишича, у киши: «Аллоҳ таоло Қуръони Каримдан тўрт оятни Менинг ҳақимда туширди» -дейдилар. Уларнинг биринчиси бевосита бизнинг сабоғимизга тегишлидир. «Онам – деб ҳикоя қиладилар Саъд ибн Абу Ваққос, – «Сен Муҳаммаддан ажралмагунингча мен ҳеч нарса емайман ҳам, ичмайман ҳам», – деб қасам ичган эди. Шунда Аллоҳ таоло: «Агар ота-онанг ўзингга маълум бўлмаган ишларга, сени Менга ўзинг билмаган нарсаларни шерик қилишга зўрласалар, уларга итоат этма, лекин бу дунёда улар билан яхши муомала қил», – деган ояти каримасини туширди.

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг қизлари Асмо (р.а.)нинг олдиларига ҳали исломни қабул қилмаган оналари Қайла бинти Абул Иззи нарса сўраб келади. Шунда Асмо (р.а.) буни Расулulloҳ (с.а.в.) га маълум қилганларида, Сарвари олам (с.а.в.) Асмо (р.а.) га: «Ҳа (исломни қабул қилмаган бўлса ҳам, онангга) силаи раҳм қилсанг бўлади» – деб жавоб берадилар.

Ҳақиқатан ота-онанинг гуноҳкор ёки гуноҳсиз экани ҳақида ҳукм чиқариш фарзанднинг ҳуқуқи эмас. Чунки ота-она ким бўлганида ҳам фарзанднинг мавжудиятига сабабчидирлар. Унинг ўсишига, улғайишига катта хизматлари синган. Агар фарзанд ота-онасига ўзининг ноқис ақли буюрганича муносабатда бўлса, биринчидан, Аллоҳнинг ҳукмига зид бориб қолиш эҳтимоли туғиладики, бундан Яратганнинг ўзи асрасин. Иккинчидан, ота-онага кўрсатилган ҳурматсизлик оқибатида бутун бир инсонлик жамиятига путур етиши мумкин. Бундай жамият ичидан ахлоқий инқирозга юз тутуди. Учинчидан, халқнинг «Қайтар дунё», «Нима эксанг шуни ўрасан» деган доно мақоллари борки, ота-онасига ёмонлик қилган киши фарзандидан каттароқ зулм кўриши тайин.

Ватандошимиз, буюк муҳаддис Муҳаммад бинни ал-ҳаким ат-Термизий ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади: «Кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва таснифоти доғи бор. Ул жумладан «Ҳатим ул-Вилоя» ва «Наҳаж» ва «Наводир ул-усул» китоблари бор ва бир «Таф-

сир» ҳам ибтидо қилғондур, аммо итмомига умр вафо қилмайду. Ва Хизр била суҳбат тутар эрмиш Абубакр Варроқким, анинг шогирдидир».

Алишер Навоий томонидан келтирилган далил қуйидаги ривоятда она ризоси билан боғланадики, унга ибрат кўзи билан боқмоғимиз кони фойда бўлади:

«Муҳаммад бинни ал-Ҳақим ёшлик чоғларида бир толибул илм бирла топишиб, ўқиғоли бошқа бир шаҳарга бормоқ бўлдилар. Буни волидаси англаб ғамгин бўлди, дедиким:

– Эй жоним бўтам, мен ожиз ва бекас. Менинг хизматимни қиладурғон ўзга киши йўқ. Мени кимга ташлаб кетарсан?!

Бу сўзлардан ал-Ҳақимнинг кўнглида бир дард пайдо бўлди. Сафарни тарк этди. Ҳамроҳлари ўқиғоли кетдилар. Вақтики, неча маҳал ўтти эрса, бир куни гўристонлиқда ўлтуриб йиғлар эдики: «Мен мунда туриб қолдим, ёронларим олим бўлуб кетсалар, мен бу янглиғ жаҳолатда қолурман». Ушбу вақт эрди, бир пири нуроний киши келди ва деди:

– Э ўғул, не сабабдин йиғларсен?

Ўғлон тамоми аҳволин бу кишига баён қилди. Киши дедиким:

– Эй ўғул, хоҳиш қилурмисанким, ҳар куни бир сабоқ ўргатуб қўйсам?

Ўғлон айтур:

– Ҳар куни бир сабоқ ўргатти, то уч йил ўтти. Андин кейин менга маълум бўлдиким, ул пир Хизр алайҳиссалом эрмиш. Мен бу давлатни волидамнинг ризолигидин топдим».

Демак, ота-онага қилинган бирор яхшилик ажрсиз қолмайди. Халқнинг «Отангни қуёш билсанг, онангни ой бил» мақоли бежиз айтилмаган.



ҚЎШИҚ НОТАСИ

Анвар ҲОЖИ сўзи


М.М. ♩ = 72-76

Халқ муסיқаси,

Сайдулло ҲАЙДАРОВ ижроси



О-та-га тик боқ-ма, ий-мо-нинг сақ-ла, Фарзандсан, сен до-им




бур-чингни оқ-ла.


О-та-га тик боқ-ма



ий-мо-нинг сақ-ла. Фарзандсан, сен до-им бурчингни оқ-ла.



О-та-га чўп от-санг, кун ўтиб бир кун Фарзандинг сенга тош



от-мо-ғи мум-кун.

О-та-га чўп от-санг



кун ў-тиб бир кун Фарзандинг сенга тош от-мо-ғи мум-кун.

Сен бор сан, ҳа-ёт-сан кў-зин чў-ғи-да,

Су-ян-чиг бўл ҳас-са тут-ган чо-ғи- да, О-та но- мин қа-др-ла

жонинг эт эҳсон Па-дар буз-рук-во-ринг э-зоз- ла ўғ-лон.

О-та но- мин қа-др-ла жо-нинг эт эҳ-сон Па-дар буз-рук-воринг

э-зоз- ла ўғ-лон.

О-та па-но-ҳи-да

ўсгин, топ камол, Хизматин а-до э-тиб, ри-зо-си-ни ол.

О-та деб куй-лай-ман черта ман со-зим, Ҳурмат айлаб Ан-вар ба-ланд о-во-зи.

Ҳурмат айлаб Ан-вар баланд о-во-зи

о-тан-га тик боқ-ма и-мо-нинг сақ-ла Фар-занд-сан сен до-им бур-чинг-ни оқ-ла.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Отага тик боқма, иймонинг сақла,
Фарзандсан, сен доим бурчингни оқла.
Отага чўп отсанг, кун ўтиб бир кун
Фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин.

Сен борсан, ҳаётсан кўзин чўғида,
Суянчиқ бўл ҳасса тутган чоғида,
Ота номин сақла дил адоғида,
Падар бузрукворинг эъзозда бўлғай.

Ота паноҳида ўсгин, топ камол,
Амрин адо этиб, ризосини ол.
Ота деб куйлайман чертаман созим,
Куйлаб Анвар олғай ота ризосин.

Ш а р ҳ

Иймонсиз кетмайин десанг, жаннатдан умидинг бўлса, ҳеч қачон отангга тик қарамагин. Ахир ота ризосин олиш фарзандлик бурчингку! Агар сен отангни норизо қилсанг, кун келиб фарзандингдан юз баробар бўлиб қайтмоғи муқаррар. Эй фарзанд, аслида отанг кўзининг қувончи, қалбининг суянчи сенсан. Доим отанг номини, ҳурматини қалбинг тўрида сақла. Отанг паноҳида ўсиб-улғайгансан. Сенинг эндиги вазифанг ота ризосини олишдир. Эй, Анвар! Отанг мадҳи учун созингни шайла, бор овозинг билан куйлагин.

ЕТТИНЧИ САБОҚ:

«ФАРЗАНДИМ – АСАЛ, ҚАНДИМ...»

Аллоҳ берган феъл-атвор, файз ва ҳидоят сабаб фарзандлар солиҳ бўлиб туғиладилар. Умрлари давомида кишиларнинг кўзларини қувонтирадиган, жамият учун фойда келтирадиган инсон бўлиб етишадилар. Албатта, бундай фарзандларнинг вояга етишида тарбиянинг ўрни ҳам муҳим. Яхши ота-она фарзандини эзгу фазилатлар билан, яхши ниятлар билан вояга етказди. Бироқ бир оиланинг ўзида ўнта бола бўлса, уларнинг ҳар бири ўз феъл-атворига, ўз қисматига эга бўлишди. Яъники, ҳар ким Аллоҳ белгилаб қўйган тақдир сўқмоғидан ўз ниятидагини топади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ислом йўлида даъват бошлаган даврларида бир оиланинг ўзида икки кутбга мансуб аъзолар чиққан ҳолатлар кузатилган эди. Турк исломшунос олими, профессор Закойи Кўнрапанинг «Ҳазрати Пайғамбаримиз ва ислом дини» деб номланган асарларида Катта Бадр ғазоти юз берган 624 йил, 13 март воқеалари шундай тасвирланади: «Бир томонда тўққиз юз эллик бутга сиғинувчи мушриклар, иккинчи томонда Аллоҳни бирлигини ёймоқчи бўлган мусулмонлар бир-бирларига қарши жанг майдонида саф тортишди. Бу ҳайратланарли бир манзара эди.

Қурайшнинг илк байроқдори Абу Азизнинг рўпарасига укаси Мусъаб муҳожирларнинг байроқдори бўлиб чиқди. Ҳазрати Абу Бакрнинг бир ўғли ёнида, бошқа бир ўғли Абдураҳмон душман сафидан ўрин олган. Утбанинг бир ўғли – Валид ёнида, иккинчи бир ўғли Абу Ҳузайфа мусулмонларнинг ичида ...

Расули акрамнинг бир амакилари Ҳамза ёнларида, бошқа амакилари бўлмиш Аббос душман билан бирга эди. Яна бошқа амакилари – Хориснинг ўғли Убайда мусулмонлар ичида, ўз ёнларида, бошқа ўғиллари Абу Суфён билан Навфал мушриклар сафида эдилар. . .

Расулуллоҳнинг ҳомий амакилари Абу Толибнинг Али деган ўғли ислом қўшинида, Ақийл исми ўғли эса мушрик қўшинларида хизмат қилаётган эди ...»

Ушбу далиллардан келиб чиқадиган хулоса шуки, иймонли ота-оналар солиҳ фарзандни ният қилиб Аллоҳга илтижо қилишлари, ато этилган солиҳ фарзанд учун унинг Ўзига шукроналар келтиришлари лозим. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ато этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кимсалар» (25:74) ни Раҳмоннинг суюмли бандалари, дея таърифлайди.

Жубайр ибн Нуфайр (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда саҳобалардан Миқдод ибн ал-Асвад (р.а.)нинг шундай сўзлари келтирилади: «Аллоҳ таоло дилининг қулфини иймон билан очган бир банда ўзининг отаси ё боласи ёхуд ака-укаларининг кофир бўлиб, ўлгандан кейин дўзаҳга боришини билганлиги сабабли, уларни чин кўнгил билан севмади. Мана шундай кишилар ҳақида Аллоҳ таоло: «Эй Аллоҳ, бизларга кўрган вақтимизда кўзимизга шодлик бахш этадиган хотин ва бола-чақалардан бергин», деб сўрайдиган кишилардир», – дея марҳамат қилди», деган эканлар.

Иймонли, солиҳ амаллар қилиб ўтадиган фарзандлар, ота-онанинг икки дунё саодатидирлар. Фоний дунёда солиҳ фарзандлар ота-оналарига эл орасида обрў-эътибор, қувонч ва роҳат-фароғат келтирадилар. Вақти етиб улар қазо қилганларида фарзандлар томонидан қилинган жамики савоб ишлар ота-онанинг қабр азобига каффорот бўлади. Дуоларидан ота-она қабри нурга тўлади. Илмли, маърифатли ва айниқса, ҳифзул Қуръон фарзандлар қиёматда ота-оналарини шафоат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Китобларда келишича, қори фарзанд шарофати ила Аллоҳ унинг ота-онасига юксак эҳтиром кўрсатар экан.

Муовия (р.а.)нинг ўғиллари Иёс ибн Муовия ўзининг ўткир зеҳни, ақл-заковати билан ота-онасига ҳисобсиз раҳматлар келтиргани ривоят қилинади.

«Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар» китобида ёзилишича: «Бир йили одамлар рамазон киришида ойни кўриш учун шаҳар ташқарисига чиқишади. Уларга улуг саҳоба Анас ибн Молик (р.а.) бош бўладилар. Бироқ бу зот айни вақтга келиб, анча кексайиб қолган, ёшлари юзга яқинлашган эди. Тўпланган одамлар осмонга қарадилар, аммо ойни кўрмадилар. Анас ибн Молик эса осмонга тикилиб: «Ҳов анави ерда ойни кўряпман», дея қўллари билан ишора этдилар. Ҳамма осмонга қаради, ой эса кўринавермас эди. Шунда ўта зийрак ва фаросатли Иёс ибн Муовия Анас (р.а.)га қаради ва ул зотнинг қошларидаги узун бир тола кўзлари устига тушиб турганини кўрди. Одоб билан изн сўраб, Анас (р.а.) нинг қошларини текислади

ва: «Энди ҳам ойни кўряпсизми, эй Расулulloҳнинг соҳиби?» деди. Анас ибн Молик (р.а.) осмонга қараб: «Йўқ, энди кўрмайпман, энди кўрмайпман», дедилар.

Иёс ибн Муовия (р.а.)нинг зийраклиги шу ўринда қўл келди. У зот ўзининг зийраклиги боис мусулмон жамоасининг холис дуосини олдилар.

Фақат ўзи учун дуо қилиб, ота-онаси ва бошқа мусулмонларнинг ҳаққига дуо қилишни унутган фарзанд гафлат бандаси ҳисобланар экан. Халқимизнинг «Яхши фарзанд от келтирар, ёмон фарзанд дод» деган мақоли иймонли кишилар учун эслатмадир.

ҚЎШИҚ НОТАСИ


Ёнги МИРЗО шеъри

М.М. ♩ = 160

Мушиқа муаллифи ва ижрочи

Расулқори МАМАДАЛИЕВ


Қиз бо-ла- га ат- лас кўй- лак я- раш-май- ди- ми,
Ча-ман-зор- да раъ-но гул-га қа- раш- май- ди- ми,
Қиз бо-ла- га ат- лас кўй- лак я- раш- май- ди- ми,
Ча-ман-зор- да раъ-но гул-га қа- раш- май- ди- ми,
Йи-гит бах- тин фар-занд би- лан са-наш-май- ди-ми,
Фар-зан-динг бор дил-бан-динг бор дав-ла-тинг шу-дур




Юрт ку-вон-чи уй ю-пан-чи сав-ла-тинг шу-дур.




Ў-ғил қи-зим фар-зан-дим Ишқ бо-ғи-да пай-ван-дим,






Ў-ғил қи-зим фар-зан-дим, Ишқ бо-ғи-да пай-ван-дим,




Боғ-ла-ниб банд бан-дим. Со-ғин-ган-да ўр-тан-дим,



фар-зан-дим ша-кар қан-дим, фар-зан-дим а-сал қан-дим.



Ўн-та бўл-са ўр-ни бош-қа ум-ринг ни-ҳо-ли,




О-та о-на ке-ча кун-дуз



уй-лар иқ-бо-лин,



Ар-доқ-лай-ди фар-зан-ди-нинг кў-риб ка-мо-лин



Фар-зан-динг бор-шун-қо-ринг бор, ба-ҳо-ринг шу-дур



Фар-зан-динг бор-ёд-го-ринг бор ши-о-ринг шу-дур

А-сил фар-занд му-род-дур, ё Но-ди-ро, Фар-ҳод-дир,
 А-сил фар-занд му-род-дур, ё Но-ди-ро, Фар-ҳод-дир,
 Ў-ғил қиз-лар қа-нот-дир, Фар-занд бахт са-о-дат-дур,
 Фар-занд бахт са-о-дат-дур.
 Минг та-сан-но,
 минг о-фа-рин меҳ-ри-бон о-на,
 Ў-ғил - қиз-лар ка-мо-ло-ти тўй-га ба-ҳо-на,
 Ях-ши фар-занд ўс-тир-ган-ни
 қут-лар за-мо-на, Фар-зан-динг бор ум-ринг ке-чар
 тинч фа-ро-ғат-да Ях-ши фар-занд яш-най-вер-син
 ча-ман ҳа-ёт-да А-сил фар-занд яш-най-вер-син
 гў-зал ҳа-ёт-да Ў-ғил қи-зим фар-зан-дим,

Ишқ бо- ги- да пай-ван-дим, Ў- гил қи- зим фар-зан-дим

Ишқ бо- ги- да пай-ван-дим, Боғ-ла-ниб банд бан- дим,

со- гин-ган- да ўр- тан- дим, Фар-зан-дим - ша- кар қан- дим

Фар- зан- дим а- сал қан- дим.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Ўнта бўлса ўрни бошқа, умринг ниҳоли,
 Ота-она кеча-кундуз ўйлар иқболин,
 Ардоқлайди фарзандининг кўриб камолин,
 Фарзандинг бор-шунқоринг бор, баҳоринг шудир
 Фарзандинг бор-ёдгоринг бор шиоринг шудир.

Асл фарзанд муроддир,
 Ё Нодира, Фарҳоддир,
 Ўғил қизлар қанотдир,
 Фарзанд бахт-саодатдир,
 Фарзандим-шакар, қандим,
 Фарзандим-асал, қандим.

Минг тасанно, минг офарин, меҳрибон она,
 Ўғил-қизлар камолоти тўйга баҳона,
 Яхши фарзанд ўстирганни қутлар замона,
 Фарзандинг бор-умринг кечар тинч фароғатда
 Яхши фарзанд яшайверсин, чаман ҳаётда.
 Ўғил-қизим фарзандим,

Ишқ боғида пайвандим,
 Боғланиб банд-бандим,
 Соғинганда ўртандим,
 Фарзандим-шакар, қандим,
 Фарзандим-асал, қандим.

Ш а р ҳ

Фарзанд ўнта бўлса ўрни бошқадир. Инсон бу дунёни тарк этар экан, фарзанди унинг экиб кетган ниҳолидир. Зеро, ота-онанинг ҳар икки дунёда топган иқболи шу фарзанд сабаблидир. Фарзанднинг камоли ота-она қувончи, фарзанд камолини кўрган ота-она баҳор қувончини, шунқорнинг парвоздаги шиддатини ҳис этади. Ота-она қолдирган ёдгорлик ҳам бойлигу шон-шуҳрат эмас, балки солиҳ фарзанддир. Солиҳ фарзанд, у қизми, ўғилми, ким бўлишидан қатъи назар ота-она муродидир. Уларнинг икки дунёдаги бахт-саодатидир. Шу боис, фарзандни шакарга, шириндан-ширин асалга менгзайдилар. Онанинг офарин олиши, унинг фарзандларига берган меҳри ва тарбияси туфайлидир. Яхши фарзанд ўстирган она уларнинг яхши кунларида бир қувонса, элнинг қутловидан кўнгли янада яйрайди. Дунё солиҳ фарзандлар билан тўлсин. Барча ота-оналарнинг нияти шудир.

САККИЗИНЧИ САБОҚ:

«ОНА ФАРЗАНДИНИ ДУО ҚИЛАДУР...»

Ота-она фарзандидан рози бўлса ва уни дуо қилса, бундай дуо ижобат бўлмай қолмайди. Аллоҳнинг раҳмати ва фазилати, ота-она дуосининг шарофати билан фарзанд икки дунё саодатини топади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳазрати Иброҳим (с.а.в.)нинг қилган дуолари ҳақида хабар беради: «(Эй Муҳаммад), эсланг, Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин. Парвардигорим, мени ва зурриётимдан (бўлган болаларимни) намозни тўкис адо этувчи қилгин. Парвардигоро, дуоимни қабул айла» (14:35 ва 40).

Ушбу дуо бутун мусулмон ота-оналарга ибрат қилиб келтирилган. Зеро, намозни тўкис адо этувчи, ҳар-хил ширк амаллардан йироқ юргувчи фарзанди солиҳ, комил мусулмоннинг айна намунаси. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ота-онанинг дуосини барча дуолардан юқори қўйганлар. Абу Ҳурайра айтадилар: «Расулulloҳ: «Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлумнинг, мусофирнинг, ота-онанинг дуоси», – деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра (р.а.) дан ушбу ҳадис ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳдан қуйидаги ҳадисларни эшитдим: «Биби Марямнинг ўғиллари ҳазрати Исо алайҳиссалом билан Журайжга сўзлаган боладан бўлак ҳеч бир бола бешикдалигида гапирган эмас», – дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, Журайжга гапирган бола ким эди?» – деб сўраганларида, Расулulloҳ ушбу ривоятни айтиб бердилар: «Журайж ўзининг ибодатхонасида ибодат билан машғул бўладиган бир роҳиб бўлиб, унинг ибодатхонаси атрофида бир подачи сигирларини ўтлатиб юрар эди. Ибодатхона жойлашган қишлоқда турадиган бир хотин подачи ёнига келиб кетиб турарди. Журайж бир куни намоз ўқиб турган вақтида онаси келиб, уни чақирди. Журайж анча хаёлга чўмди: «Намозда давом этаверсинми ёки намозни бузиб, онасига жавоб қайтарсинми?» У ўйлаб-ўйлаб намозда давом этишга қарор қилди. Онаси қайта-қайта чақирганда ҳам ўғли жавоб қилмагач: «Аллоҳ сени фоҳиша хотинларга йўлиқтирсин», – деб дуоибад қилиб қайтиб кетди. Шу воқеадан кейин подачи олдига келиб юрадиган хотин бола туғиб қўйди. Уни подшоҳ олдига олиб келиб сўроқ қилишганда: «Бу бола ибодатхонадаги роҳибдан бўлган», – деб даъво қилди. Подшоҳ буни эшитиб: «Роҳибнинг ибодатхонасини вайрон этиб, ўзини ҳузуримга олиб келинглар», – дея амр қилди. Подшоҳ амри бажарилди. Подшоҳ сари олиб келинаётган роҳибнинг фоҳишага кўзи тушди-да, бир кулиб қўйди. Кейин уни подшоҳ сўроқ қилиб: «Бу хотин туғилган боласини сендан бўлган деб даъво қилаётибди», – деди. Журайж хотинга қараб: «Шундайми?» – деди. Хотин: «Ҳа, шундай», – деб жавоб қилди. Шунда Журайж онанинг бағрида турган чақалоққа қараб: «Эй бола, сенинг отанг ким?» – деб сўради. Чақалоқ тилга кириб: «Отам подачи», – деди ва буни ҳамма эшитди. Подшоҳ Журайжга узр айтиб: «Энди ибодатхонангни олтиндан қуриб берамиз», – деди. Журайж буни қабул қилмагач: «Бўлмаса кумушдан қурайликми?» – деди. Журайж буни ҳам қабул қилмай: «Уни аввалги ҳолига келтириб берилса кифоя», – деди. Сўнгра подшоҳ: «Хўш, менга айтчи, банди қилиб олиб келишаётганида не сабабдан кулдинг?» – деб сўради. Журайж: «Юз берган воқеани кўзим билан кўриб кулгим қистади, у ҳам бўлса онамнинг менга қилган дуоибоди эди», – деди-да, бўлган воқеани ҳаммага ҳикоя қилиб берди».

Қиссадан ҳисса шуки, ота-онанинг дуоибоди ҳам хайрли дуоси каби ижобатдир. Роҳиб Журайж Худо йўлида ибодат қилаётгани боис, онасининг чақирғига жавоб қила олмади. Бундан беҳабар онаси уни дуоибад қилди. Аллоҳ бошқаларга ибрат бўлсин учун, Журайжни фоҳишанинг туҳматига гирифторм қилди. Ўзи чақалоққа тил ато этиб, подшоҳ жазосидан роҳибни қутқарди ва мартабасини олдингидан ҳам улуг қилди. Бу воқеа бизлар учун бир ибратки, арзимаган дунё ташвишлари деб ота-онамизни ранжитмайлик. Уларнинг дуои хайрларини олайлик. Чунки фоний дунёда ота-онадан яқин меҳрибон топа олмаймиз.

Шоир Абдулла Орифнинг она ҳақидаги ушбу мисралари ибрат кўзини янада каттароқ очишга ундайди:

Шамол увиллайди, қор-бўрон тошиб,

Тепалик тўшига ўзни уради.

У ерда тупроққа бағрини босиб,

Танҳо бир сағана маъюс туради.

Қошига етай деб, бўзлаб йўл юрдим,
 Кўкрагимни тилди изғирин, тикан.
 Нетай, онажоним, қанча одам кўрдим,
 Сендан яқин кишим йўқ экан.

Дарҳақиқат, инсонлар бир-бирларига озор беришдан чарчамайдилар. Дўстдан, ёрдан, ҳатто бола-чақасидан озор кўравериб, чарчаган. Одам авлоди гоҳо ўз яқинини ўликлар салтанатидан излашга мажбур бўлади. Қачонлардир бандаликни бажо келтирган отасини, онасини қўмсайди.

Онанинг хайрли дуоси фарзандни ўлимдан сақлагани, яъни ижобат бўлгани ҳақидаги ушбу ривоятга эътибор қилинг:

«Кунлардан бир куни бир йигит Каъба зиёратини орзу қилди. Бунга онаси ижозат берар экан, ўглини шундай дуо қилди:

– Илоҳим, фарзандимни сенга топширдим, саломат ўзимга қайтаргин.

Йигит онаси билан хайрлашиб, Каъбага жўнайдиган карвонга қўшилиб йўлга тушди. Сафарнинг нечанчидир куни у карвондан бир оз ортда қолди. Шунда қаердандир қароқчилар пайдо бўлиб, йигитни ўлдирмоқчи бўлдилар. Йигит муножот қилиб: «Худое, яқинлардан яқинроқ ўзингсан, қўлимни тутгувчисан», – деган эди: «Лаббайка ё абди», деган овоз келди. Қароқчилар ҳайрон бўлиб ўнгу сўлга боқдилар, аммо ҳеч кимни кўрмадилар. Яна ҳамлага шайландилар. Ва йигитга: «Қўлимиздан қутулиб бўпсан», дедилар. Йигит яна муножотини такрорлади. Уч марта: «Лаббайка, лаббайка, лаббайка ё абди» деган овоз эшитилди. Қароқчилар яна осмону ерга қараб, ҳеч кимни кўрмадилар. Ҳамлаларида давом этдилар. Йигит яна Аллоҳ таолога муножот қилган эди, тўсатдан қўлида қилич тутган отлиқ пайдо бўлди. Қароқчиларни шундай саваладики, ҳаммасининг боши тупроққа қорилди. Йигит суворийдан:

– Сен қандай зотсан, мени душмандан қутқардинг, жонимга аро кирдинг! – деди.

Суворий:

– Мен биёбонда Худойи таолога ибодат қилурман, бу от билан қилични менга Худойи таоланинг ўзи берган. Агар биёбонда бирор воқеа юз берса, отим нотинч бўлади. Бугун ҳам шундай ҳолат воқеа бўлди. Бу беҳикмат бўлмаса керак, деб ўйладим. Билсам, қароқчилар сенга қасд қилишган экан. Менга: «Отлан, менинг хос бандамни қутқар, унга айтгинки, онаси жонини менга топширган эди. Шунинг учун уни сақлашга қарор қилдик. Онасининг ёнига соғу саломат етгай!» – деган фармон бўлди.

Ҳазрати Умар (р.а.) «Агар туямнинг ипини йўқотсам ҳам, ҳеч уялмасдан, уни топиб беришини Аллоҳдан илтижо қилардим», деган эканлар. Дарҳақиқат, сидқидилдан қилинган дуо ҳеч қачон ҳавода қолиб кетмайди. Аллоҳ, шубҳасиз, Роҳийм ва Раҳмондир. У суйган бандаларини ҳар қандай балойи офатларидан муҳофаза этгувчидир. Халқ айтмоқчи: «Сидқидилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар».


ҚЎШИҚ НОТАСИ

Чустий сўзи


М.М. ♩ = 68-72

Муסיқа муаллифи ва ижрочи

Эркин РЎЗИМАТОВ



О-на фарзандла-рин ду-о қи-ла-дур, Ҳо-жа-тин до-и-мо



ра-во қи-ла-дур, Она фарзандларин ду-о қи-ла-дур, Ҳо-жа-тин до-и-мо

ра-во қи-ла-дур, Оғ-ри-са меҳридан да-во қи-ла-дур, На ке-рак бўл-са,
 ба-жо қи-ла-дур, О-на-лик бур-чи-ни а-до қи-ла-дур. О-на фарзандла-рин
 ду-о қи-ла-дур. Тўқ-қиз ойлаб кўтар-ган
 о- на-и зор, У- ту- гул-гач, бў-либ ми-со- ли ба- ҳор, Парваришлаб ҳамиша
 лай- лу на-ҳор, кў-зу қо-шу о-ё- гу қў- лу- ма-дор, Бў-ли-бон қо-ма-ти
 ра-со қи-ла-дур О-на фарзандларин ду-о қи-ла-дур.
 Томчи фарзанд эрур
 О- на да-рё, Қиз-ўғил мис э-са о- на тил-ло, Барча аъло дан ҳам
 О- на аъло Тенги йўқ дур сий-мо у-луғ сий- мо, Бе баҳо-лар-ни ким
 ба-ҳо қила-дур. Она фарзандларин ду-о қи-ла-дур. Яхши фарзанди-га
 ва-фо қила-дур Она фарзандларин ду-о қи-ла-дур. О-на ро-зи э- лу
 за-мон ро-зи. Сев-ги-ли ё- ри меҳрибон ро- зи, О-на ро-зи бу-тун
 жа-ҳон ро-зи, Бўл-ғуси е- ру ос- мон ро- зи, Чустий жон бо-ри-ча
 ри-зо қи-ла-дур О-на фарзандла-рин ду-о қи-ла-дур. О-на фарзандла-рин
 ду-о қи-ла-дур. О-на фарзандла-рин ду-о қи-ла-дур.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Она фарзандларин дуо қиладур,
Ҳожатин доимо раво қиладур,
Оғриси меҳридан даво қиладур,
На керак бўлса, бажо қиладур,
Оналик бурчини адо қиладур.

Тўққиз ойлаб кўтарган онаизор,
У туғилгач, бўлиб мисоли баҳор,
Парваришлаб ҳамиша лайлу наҳор,
Кўзу қошу оёғу қўлу мадор,
Бўлийбон қоматни расо қиладур.

Томчи фарзанд эрур, она дарё,
Қиз-ўғил мис эса она тилло,
Барча аълодан ҳам она аъло,
Тенги йўқдир она улуғ сиймо,
Бебаҳоларни ким баҳо қиладур.

Онани кўзга илмаган нодон,
Унга боши эгилмаган нодон,
Она сўзини қилмаган нодон,
Она қадрини билмаган нодон,
Доим ўз жонига жафо қиладур.

Она рози эрур замон рози,
Севгили ёри меҳрибон рози,
Она рози бутун жаҳон рози,
Бўлғуси еру осмон рози,
Чустий жон борича ризо қиладур.

Ш а р ҳ

Эй фарзанд! Она ўз дуоси билан фарзанд ҳожатини чиқаргувчи, оғриб қолса меҳр кўрсатгувчи, керак бўлса жонини ҳам бера олгувчи зотдир. Тўққиз ой кўтариб юргани бир сари, чақалоқлигидан то катта бўлгунига қадар фарзандига қўлу оёқдир. Онани дарё десак, фарзанд унинг томчисидир. Онадан-да улуғ зот борми ўзи?! Унинг баҳосини бериб бўлурми?! Онани ранжитган, кибрга берилиб уни қадрламаган киши нодондир. Ундай одам Аллоҳ неъматидан бебаҳрадир. Ўз жонига жафо келтиргувчидир. Чунки онанинг ризоси Холиқнинг, еру осмоннинг ва халқнинг ризосидир. Эй Чустий, жонинг борича онанга хизмат қил, унинг ризосини ол.

ТЎҚҚИЗИНЧИ САБОҚ :

«СОҒИНСАМ ОТАЖОНИМ...»

Ота-ю онанинг қазоси мерос,
Олдин келган одам олдинроқ кетсин.
Фарзанд фарзанд бўлсин фарзандларга хос,
Аввали тириклар қадрига етсин.

Бир кун сўрадилар Расулulloҳдан,
– Тақдир ҳукми экан, бўлгани бўлди.
Зарра фойда йўқдир гарчи оҳ-воҳдан,
Айтинг, мен нетайин, падарим ўлди.

Расулulloҳ деди: – Ўлим муқаррар,
Энди иродангни бардош томон бур.
Отангинг тинчини ўйласанг агар,
Унинг дўстларидан хабар олиб тур.

Шоир Абдулла Ориф тўғри айтганидек, ота ва онанинг қазоси мерос. Халқ бекорга айтмайди: «Отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор». Ўлим ҳақ. Ўлим том маънодаги Аллоҳ яратиб қўйган қонуният. Бунда ҳикмат кўп. Бундаги ҳикматларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. Лекин инсон (хом сут эмган банда) кўпинча ўлим юз берган вазиятда барча ҳикматларни унутди. Фақатгина ўлим сабабли ўзига келган кулфату ғам, ночорлигу тушкунлик тузоғига ўралиб қолади. Аламга ботади. Йиғлайди. Айниқса ота-онанинг ўлими Одам авлоди тарафидан улкан фожиа сифатида қабул қилинади. Ота ва онанинг чексиз, таърифу тавсифсиз меҳрини қўмсаш кайфияти инсонни умрининг охиригача тарк этмайди. Шундай изтиробли дамларда инсон нимадандир таскин қидиради. Ота-она юрган йўллардан уларнинг изларини излайди. Фарзандлари қиёфасидан ота-она чеҳраларига яқин ифодаларни, чизиқларни топишга уринади. Тириклик пайтларида хизмат қилолмаганидан пушаймонлар қилади.

Ислонда инсон ҳаётига доир бирор муаммо йўқки, унинг мукамал ечими-жавоби бўлмасин. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда пайғамбарларимизнинг кабирларидан бўлган Иброҳим Халилulloҳнинг ота-она ҳаққига қилган дуоларини ибрат-эслатма сифатида келтиради: «**Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва барча мўминларни мағфират қилгин**» (14:41). Ушбу дуо, албатта, иймонли бандаларнинг дилларига таскин бергувчи, дунё ҳаёти билан боғлиқ ҳар-хил мушкул ҳолатларда муҳофаза этгувчи, эътиқодларни янада мустаҳкам қилгувчи дуодир. Энг муҳими, солиҳ фарзанд томонидан қилинган бундай дуо ота-она учун дунёдаги жами бойликлардан кўра улуғроқ, фойдалироқдир.

Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар: «Киши ўлганидан кейин нима учундир унинг нуфузи кўтарилиб қолади. Шунда у таажжубланиб : «Ё Раббим! Бу даражамнинг кўтарилиши нимадан ҳосил бўлди?»-деб сўрайди. Аллоҳ таоло томонидан: «Эй бандам, орқангда қолган болаларингнинг менга қилган истиғфорлари натижасидир», дейилади.

Яна бир ҳадисда, Абу Усайд (р.а.)дан шундай ҳикоя қилинади: «Абу Усайд (р.а.): Биз расулulloҳ ҳузурларида эдик, шунда бир киши: «Ё расулulloҳ, ота-онамнинг ҳаёт вақтларида қилган яхшиликларимдан ташқари уларнинг вафотидан кейин яна нима қилсам шу яхшилигим давом этади?» – деб сўради. Расулulloҳ: «Тўртта нарсани қилиб юрсанг, уларга қилган яхшилигинг давом этаверган бўлади. **Бирламчи**, ота-онанг ҳаққига дуойи хайр қиласан ва гуноҳларини Аллоҳдан сўрайсан. **Иккиламчи**, уларнинг насиҳат ва шаръий васиятларини амалга оширасан. **Учламчи**, уларнинг дўстларини ҳурматлайсан ва **тўртламчи**, қавм-қариндошлар билан улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан», – дедилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан таъкидлаб айтилган тўрт фазилат нафақат ягона шахс ҳаёти, балки умуминсоният жамиятида ҳам мувозанат, хотиржамликни таъмин этилишига гаровдир. Ҳар бир фазилатнинг натижаси инсоннинг икки дунё саодатини таъминлайди. **Биринчидан**, фарзанднинг дунёвий ҳаёти ва охирати обод бўлади. **Иккинчидан**, суннати расулulloҳга сидқ билан амал қилингани боис, ота-она Қиёматгача қабр азобидан, охиратда оғир гуноҳларидан фориғ бўладилар.

Халқимиз орасида ушбу мавзуга доир ривоятлар кўп. Шунингдек, улуғ алломаларимиз ўлим ва ҳаёт борасида ўз ҳикматларини баёт этиб кетганлар.

«Танбеҳул Гофилийн» муаллифи Ал-фақиҳ Абу Лайс Самарқандий шундай дейдилар:
«Эй биродарлар! Албатта, ҳаммамиз ўлишга маҳкум, ўлим учун яратилганмиз. Ундан ҳеч ким қочиб қутула олмас. Аллоҳ таоло бундай дейди:

«Ҳеч шак-шубҳасиз, сен ўлгувчидирсан, улар ҳам ўлгувчидирлар» (Қуръони Карим. Зумар сураси, 30-оят); «Айтинг: Агар сизлар ўлишдан ё ўлдирилишдан қочсангизлар, бу қочиш сизларга бирор фойда бермас» (Қуръони Карим. Аҳзоб сураси, 16-оят).

Ҳар бир мусулмон кишига ўлим бошига тушмасидан олдин ўлимга ҳозирлик кўрмоқлик вожибдир.

Инсон бу дунёга келар экан, охиратга сафар қилмоғи ҳақ. Туғилиш ва вафот топиш бизларга Одам атомиздан ва Момо ҳавомиздан мерос бир неъматдир.

Навоий ёзганидек, «Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабистонининг наҳори. Инсоннинг зебу раънолиғи андин ва башарнинг тобу тавонлиғи андин. Йигитларга ҳусну ноз тугёни анинг мағрурлиғидин, қариларга ашку ниёз тўфони анинг маҳжурлиғидин.

Рубоий:

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутингиз,
Ўзни қарилик меҳнатидин кўрқутингиз.
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгиз,
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутигиз.

Шайхлик (қарилик) айёми нишот аҳлин (яшовчилар) ношод қилурким, одамий қаддин ҳам қилиб, умр била хайрбод қилур. Ҳавас ва орзулар шоҳи кўнгулда синар, балки барча тараддуд ва ҳаракатлардин кўнгил тинар. Сарбаландлиғ хаёли боштин чиқар, надомат ва ҳасрат ашки сели қасри деворин йиқар. Номуродлиғлар зиндони будур ва ноумидлиғлар байтул аҳзони ҳам будур. Илик титрамоғи умр бодаси хуморидин. Кўздин ёш бормоғи ҳаёт изтиробидин. Бандаға сиҳҳатдин асар қолмас ва кўнгилга хушу хираддин хабар қолмас.

Рубоий:

Афсуски, умри навжувонлиғ кетти,
Танға қарилиғда нотавонлиғ етти,
Гар юз йил улки комронлиғ этти,
Чун топмади маргдин омонлиғ, нетти?»

Қиссадан ҳисса, имкон топган одам ота-она ризолигига имкон қадар тирикликда эришсин. Агар доғда қолса, бу борада Қуръони Карим оятларига, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига амал қилсин. «Одам омонат, дийдор ғанимат» дейилгувчи халқ мақолида ана шундай пурҳикмат мазмун жо этилган.

ҚЎШИҚ НОТАСИ

Н. БОБОХЎЖАЕВ сўзи

М.М. ♩ = 204

Халқ муסיқаси

Машираб ЭРМАТОВ ижроси



Со-ғин-сам о-та



жо- ним,

из-ла-йин қаерлардан? Со-ғин сам, нур жа-ҳо-ним,

из-лайн қа-ер- лар- дан Со-гин сам нур жа-ҳо- ним,

из-ла-йин қа-ер- лар- дан? Ҳов-ли-миз саҳ- на-си- да

из-ла-ри қол- ган- ми-кан, Ўғ-лим-нинг оқ ю- зи- да

ис-ла-ри қол- ган ми-кан Ё кўз-гу нигоҳ- ла-рин

пайт пой-лаб ол- ган- ми- кан? Со-гин-сам о- та жо- ним,

из-ла-йин қа-ер- лар-дан? Со-гин-сам, нур жа-ҳо-ним,

из-ла-йин қа-ер- лар- дан?

Дас-тур-хон ё- зил-ган-да неъ-мат-лар тў-


ки-ла-ди.

Тер-му-либ ўл- ти- ра- ман,

ю-ра-гим э- зи- ла-ди,

Кў-рай, деб а- нор- лар ҳам чо-ки-дан сў- ки- ла-ди,

Со-гин-сам, о- та- жо- ним, из-ла-йин қа-ер- лар- дан?



Со-гин-сам, нур жа-ҳо-ним, из-ла-йин қа-ер- лар-дан?

Кўр-сам гар су- рат- ла- рин

сув ка-би қал- қи-нар- ман

Оқ-со-қол О- та- лар- га қуш каби тал-

пи-нар- ман, Йиғ-ла- май я- шай- ма- ну

ам-мо ки со- ги-на- ман, Со-гин-сам, о- та- жо- ним,

из-ла-йин қа- ер- лар- дан? Со-гин-сам, о- та- жо- ним,

из-ла-йин қа- ер- лар- дан? Со-гин-сам, о- та- жо- ним,

rit
из-ла-йин қа- ер- лар- дан?

ҚЎШИҚ МАТНИ

Соғинсам, отажоним, излайин қаерлардан?
Соғинсам, нур жаҳоним, излайин қаерлардан?

Ҳовлимиз саҳнасида излари қолганмикин,
Ўғлимнинг оқ юзида ислари қолганмикин,
Ё кўзгу нигоҳларин пайт пойлаб олганмикин,
Соғинсам, отажоним, излайин қаерлардан?
Соғинсам, нур жаҳоним, излайин қаерлардан?

Дастурхон ёзилганда неъматлар тўкилади,
Термулиб ўлтурарман, юрагим эзилади,
Қўрай, деб анорлар ҳам чокидан сўкилади,
Соғинсам, отажоним, излайин қаерлардан?
Соғинсам, нур жаҳоним, излайин қаерлардан?

Оқсоқол оталарга қуш каби талпинарман,
Кўрсам гар суратларин сув каби қалқинарман,
Йиғламай яшайману аммоки соғинарман,
Соғинсам, отажоним, излайин қаерлардан?
Соғинсам, нур жаҳоним, излайин қаерлардан?

Ш а р ҳ

Эй отажон, сиз боқий дунёга рихлат қилиб, мени қайғуларга ташлаб кетдингиз. Соғинчдан, изтироб азобларидан ўртаниб сизни излайман. Аммо, нетайки, сизни қаердан излашимни билмайман. Балки ҳовли юзида изингиз қолгандир. Ўғлимда сизга ўхшаш белги топармиканман? Балки кўзгу нигоҳларингизни ўзида яширганмикин, дея беҳуда кўзгуга тикиламан. Айниқса, дастурхон атрофида ўтирганимизда ўрнингиз билинади. Дастурхонга қўйилган барча мевалар сизни эслатади. Чунки уларни ўзингиз экиб кетгансиз. Сизнинг дўсту тенгдошларингизни кўрсам, ўзингизни кўргандек бўламан. Уларга яқин бўлсам мендан рози бўласиз деб умидланаман. Суратингизни кўрсам, кўнглим бузилади. Аммо йиғлаб сизни ранжитиб қўйишдан кўрқаман. Соғинчимнинг чеки йўқ. Эй отажоним, нима қилсам сизни рози этган бўламан!

ЎНИНЧИ САБОҚ:

«ТО ЕТИМ БЎЛМАЙ КИШИ...»

Ота-онага яхшилик қилиб, уларнинг ризосини олишнинг яна бир шарти силаи раҳмдир. Силаи раҳмнинг маъноси, ота-онадан кейин улар билан яқин алоқада бўлган дўстларига, уларнинг ака-укалари, опа-сингиллари, қариндош-уруғларига имкон қадар яхшилик қилишдир. Одатда, ўзидан ортиб бировга яхшилик қилиш, осон иш эмас. Бунинг нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатлари ҳам бор. Силаи раҳм қилгувчи киши, аввало, маънан бой бўлиши лозим. Яъни иймони бутун, тақводор одамгина Аллоҳга мақбул силаи раҳмга қодир бўлади. Барча иймонга доир амалларда бўлгани каби силаи раҳм амалида ҳам шайтони лайъин катта тўсиқ бўлади. Шу тўсиқни иймони билан енга олган кишигина силаи раҳм қила олади. Дейлик, бир киши иқтисодий жиҳатдан тўқис. Шу даражада тўқиски, мол-мулкнинг ўзидан ортган бир қисмини қариндошига берса ҳам зарар қилмайди. Айни мана шу вазиятда иймон синалади. Агар у кишининг иймони заиф бўлса, қариндош уруғига берган моли ҳисобидан камбағаллашиб қолишидан қўрқиб, бир қарорга кела олмайди. Тўғрироғи, иймони заифлиги боис, шайтон унинг устидан ғолиб бўлади. Агар инсоннинг иймони комил бўлса, ҳеч бир ички изтиробларсиз яқинига ёрдам беради ва шайтон устидан ғолиб бўлади. Силаи раҳм қилган киши бир йўла кўплаб савобларга эришади:

– энг асосийси, Аллоҳнинг амрини бажаради, Аллоҳ ва унинг пайғамбари (с.а.в.) ризосига ноил бўлади;

– яқинларига ёрдам қилиб, ота-онаси ҳаққини адо этади. Улар ҳаёт бўлсалар, дуоларини олади;

– муҳтож қариндоши корига яраб унинг дуосини олади, жамиятдаги мувозанатнинг барқарорлашувиغا хизмат қилади ва ҳ.к.

Буни яна ҳоҳлаганча давом эттириш мумкин. Бироқ силаи раҳм фақат моддий жиҳатдан қилинган ҳомийлик билан белгиланмайди. Бировдан кўнгул сўраш, бировга тўғри йўл кўрсатиш, сидқидилдан ҳамдард бўлиш ҳам, айнан, силаи раҳмдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда қариндош-уруққа, яқинларга, мискин ва мусофирларга яхшилик қилишни буюради. Яқинлик алоқаларини узиб юбормоқчи бўлган кимсаларни лаънатлаяжани баён этади: «Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғинчилик қилурсизлар ва қариндош уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас уларнинг (қулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) қар, кўзларини эса (тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир. Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида қулфлари бордир (Шунинг учун у дилларга ҚУРЪОН нури етишмаётгандир)!» (47:22-24).

Маълум бўляптики, қариндош-уруғдан юз ўгириш, яъни силаи раҳмни унутиш Аллоҳнинг назарида иймондан юз ўгириш билан баробар экан. Бошқа бир оятда Аллоҳ таоло очиқ-ойдин амр қиладики, иймонли, фаросатли кишилар бундан тўғри хулоса чиқарадилар: « (Эй Муҳаммад), қавм-қариндошга, мискин ва йўловчиларга (хайру эҳсон қилиш билан бирга) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйма» (17:26). Силаи раҳм фақат вазифагина эмас, балки қариндош-уруғ, мискин ва йўловчиларнинг ҳақлари ҳамдир. Демак, силаи раҳм қилмаслик бировнинг ҳаққига хиёнат даражасидаги катта гуноҳдир. Бундай гуноҳ «соҳиблари»дан Аллоҳ таоло «марҳаматимни узаман», деб ваъда қилган.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло халқларни яратиб бўлганидан кейин раҳм турди. Аллоҳ ундан: «Нега турдинг?» -деб сўраганида у: «Эй Раббим, мен узилиб қолишдан паноҳ тиловчи сифатида турибман» – деди. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй раҳм, сени узган кишилардан марҳаматимни узсам шунда рози бўласанми», – деб сўраганда, раҳм: «Ё Парвардигори олам! Мен албатта бунга розиман», – деган эди. Аллоҳ таоло: «Менинг ваъдам сенга шудир», – деди, дедилар». Абу Ҳурайра (р.а.) шу ҳадисни ривоят қилганларидан кейин: «Истасангиз «Муҳаммад» сураси 22-оятни ўқиб кўринг! Бунда Аллоҳ таоло: «Агар сизлар бирор ишга мутасадди бўлиб қолсангиз ер юзида бузғунчилик қилмоқчи ва қавм-қариндошликни узиб юбормоқчи бўласизларми?» – деган, деб айтдилар». Бакр ибн ал-Хорис ал-Ансорий (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадисда, у киши: «Ё Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилишим керак?» – деб сўраганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Отанга, онанга, опа-сингилларингга, ака-укаларингга ва яқин бўлган кишиларингга. Бу иш зарурий бурч ва узилмаслиги керак бўлган қариндошлиқдир», – деб жавоб берган эканлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобалари Аллоҳ Қуръони Каримда буюрган ва суннат бўлган амалларини сидқи дилдан, имкон қадар ошириб бажаришга уринишган. Сидқлари шу даража-

да бўлганки, бугун кўпчилик буни тасаввур этишга ҳам қодир эмас. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) билан боғлиқ куйидаги ривоят бунинг кичик бир мисоли холос.

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича: «Қайси бир сафарда бир аъробий ул кишининг олдиларига келиб: «Сен фалончининг ўгли эмасмисан?» – деб сўради. Аъробийнинг отаси ҳазрати Умар ал-Хаттоб билан дўст бўлган экан. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) аъробийга: «Ҳа, отанг дўсти Умарнинг ўғлиман», – дедилар-да, ўзларининг тевалари кетида олиб юрган эшакни ва бошларидан саллани ечиб унга бердилар. Шунда атрофдаги кишилардан бири: «Бу киши аъробий, унга икки дирҳам берсангиз ҳам кифоя қиларди, сиз эшакни ҳам, саллани ҳам бериб юбордингиз», – деган эди, Абдуллоҳ (р.а.): «Расули акрам (с.а.в.) «Отанг дўст тутган кишиларнинг дўстлигини сақла, улар билан алоқани узма, агар алоқани узсанг, Аллоҳ таоло сенинг нурунгни ўчириб қўяди», – деган эдилар», дея жавоб бердилар.

Алқисса, Аллоҳ буюрган ҳар бир амалда саноқсиз ҳикматлар бор. Яхшиликда, силаи раҳмда инчинун. Доно халқимиз билиб айтганидек: «Яхшилик нур келтирар, ёмонлик – зулмат».

ҚЎШИҚ НОТАСИ

ҲАЗИНИЙ сўзи

М.М. ♩ = 100

Халқ муסיқаси

Абдурашид ВОҲИДОВ ижроси

То е- тим бўл-май ки- ши, бил-мас а- то- ни
 қад-ри-ни То е- тим
 бўл-май ки- ши, бил-мас а- то- ни қад-ри-ни,
 Жо- ни дил- дан тар-би- ят қил-гон а- но- ни
 қад-ри-ни,
 Ҳеч ки- ши билмас а- ка бир-лан у-ко- ни қад-ри-ни
 Аж-ра-гай бил-гай а- го бир-лан та- го- ни қад-ри-ни
 Тан ду-руст-лик лаз- за- тин бе-мор бўл-ган- лар би-лур,

Бо-ши ёс-тиг-да ё-тиб
 аб-гор бўл-ган-лар би-лур,
 Кўп ё-тиб фар-занд-ла-ри-га хор бўл-ган-лар би-лур,
 Ким-ки ман-ман-лик-да бил-май дур-ги-зо-ни қад-ри-ни
 Ким-ки ман-ман-лик-да бил-май дур-ги-зо-ни қад-ри-ни.
 Бу жа-ҳо-нда баъ-зи-лар ни ай-ла-ди тир-ноқ-қа зор,
 Баъ-зи-лар-га Ҳо-ли-қим фарзандни бер-ди бе шу-мор,
 Баъ-зи-ни қил-ди а-зи-зу не-ча-лар-ни хо-ру хор
 Бил, Ха-зи-ний, сидқ и-ла шук-ри Ху-до-ни қад-ри-ни
 Бил, Ха-зи-ний, сидқ и-ла шук-ри Ху-до-ни қад-ри-ни.

ҚЎШИҚ МАТНИ

То етим бўлмай киши, билмас атонинг қадрини,
Жону дилдан тарбият қилгон анонинг қадрини,
Билмагай ҳеч ким ако бирла уконинг қадрини,
Бир неча хешу қариндош-ақрабонинг қадрини,
Ажрагай-билгай, ағо бирла тағонинг қадрини.

Тандурустлик лаззатин бемор бўлганлар билур,
Кўп ётиб фарзандлариға хор бўлганлар билур,
Боши ёстиққа етиб, абгор бўлганлар билур,
Парчае нон қадрини зор бўлганлар билур,
Кимки манманликда-билмайдур ғизонинг қадрини.

Дўсту душман ҳар киши-бегона, хоҳи ошино,
Қочгуси бошингга мушкул тушса, сандин бевафо,
Сен учун ул бевафо улфат қилурму жон фидо?!
Дўст қадрин билмагай, бошига тушмасдин бало,
Қарियो аъмо бўлиб, билгай асонинг қадрини.

Қўлда молинг борида бегоналардин ёр кўп,
Давлатинг кетса қўлингдин дилдордин ағёр кўп,
Ҳам қадимий ҳамнишинлардин санго озор кўп,
Сухбатингдин эътироз айлаб, яна безор кўп,
Мардуми Фарғона билгай, ағниёнинг қадрини.

Бул жаҳонда баъзиларни айлади тирноққа зор,
Баъзиларга Холиқим фарзанд берди бешумор,
Баъзиларни қилди азизу нечаларни қилди хор,
Ҳарна қилса Холиқим шукр айлагил лайлу наҳор,
Бил, Хазиний, сидқ ила шукри Худонинг қадрини.

Л у ф а т

Ақрабо	– қариндошнинг маънодоши.
Ағо	– ака, ука маъносида.
Ғизо	– озиқ-овқат.
Аъмо	– кўр киши.
Ағёр	– душман, рақиб.
Ҳамнишин	– суҳбатдош.
Мардуми Фарғона	– Фарғона аҳли.
Ағниё	– бойлар.
Бешумор	– ададсиз, сонсиз, кўп.
Лайлу наҳор	– кеча – кундуз.
Сидқ	– содиқлик.

Ш а р ҳ

Эй фарзанд! Одам боласи етимлик кулфатидан кўп нарсаларни англаувчидир. Тарбиялаган ота-она, яқин қариндош-уруғлар: ака, ука, тоғаларнинг ўрни, қадр-қиммати, фақат улардан узоқлашганда ёки ажралганда билинади. Гўё бу – соғлик қадрини беморликда, тўқлик қадрини очликда англагандекдир. Агар бошингга оғир кун тушса, дўсту душманнинг фарқиға борасан. Чунки бевафо дўст сенга кулфатдош бўла олмайди. Қўлингда мол-дунёинг, эл ичида обрў-эътиборинг бор пайтида сен дўстни душмандан ажрата олмайсан. Ахир асонинг қадрини билмоқ учун, аввал унга ишинг тушиши лозим-да. Қарилик қувватсизлигини, аъмолик жафосини бошдан кечирмай, ким ҳам буни тушунади. Эй фарзанд, дунёнинг бўлиши шу. Кимдир фарзандга зор бўлса, кимдир фарзандларининг саноғига етолмайди. Биров бу дунёда азиз бўлса, бошқа биров хорлик ва машаққатда. Аммо яратган Аллоҳ неки қилса, бир ҳикматни кўзлаб қилади. Шундай экан, эй Хазиний, Аллоҳ сенга нимани раво кўрса, сиддиқлик билан унинг Ўзига шукр қил. Ҳар нарсадан шукруллоҳнинг қадрини баланд тут.

ЎН БИРИНЧИ САБОҚ:

«ФАРЗАНД УЧУН...»

Ота-онага яхшилик қиладиган солиҳ фарзандларнинг вояга етиши аввало ота-онанинг ўзларига боғлиқ. Иймон, эътиқодни пеша тутган, солиҳ амалли оиладагина яхши фарзанд вояга етади. Шаръий нуқтаи назардан ҳам солиҳ ота-онадан солиҳ фарзанд дунёга келиши тўғри деб топилган. Олдинги сабоқларимизда фарзанд ота-онасига яхшилик қилар экан, аслида ўзига яхшилик қилади, деган фикрни кўп бор такрорладик. Фикримизни шаръий-манتيқий нуқтаи назардан асослашга ҳаракат қилдик. Мазкур фикрни айнан ота-онага нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Яъники, ота-она Аллоҳ таоло томонидан буюрилган «фарзандларга яхшилик қилиш» ҳақидаги амрни сўзсиз бажарар экан, фақат болаларигагина яхшилик қилиб қолмайди. Балки бу билан ўзига ҳам яхшилик қилади. Яъни, солиҳ амаллар эгаси қилиб тарбияланган фарзанд ота-онасига фаровонлик, хотиржамлик, обрў-эътибор келтиради. Вақти қазоси етиб, боқий дунё сари рихлат қилганда эса, дуои хайрлари, солиҳ амаллари билан марҳум ота-онанинг Аллоҳ ҳузурида азиз бўлишига хизмат қилади. Ҳисоб-китоб кунида уларнинг савоб пайсаларини оширади.

Аллоҳ табарок ва таоло Қуръони каримда Луқмони ҳаким тўғрисидаги хабар ва у зотнинг ўғлига берган ўғитларини бежиз келтирмаган. Бу фақат эслатма хабар бўлиб қолмай, бутун инсониятга (ота-оналарга) фарзанд ўстириш, тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмадир. Ҳазрати Луқмони ҳакимга Аллоҳ томонидан буюк ҳикмат – барча воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етиш салоҳияти ато этилган эди. Шу боис ҳам, у зот томонидан ўғлига айтилган «ўғит»лар теран ҳикматга йўғрилгандир. Луқмони ҳаким ўғитларининг баён этилиш тартиби ҳам ўзига хос илоҳий қонуниятга – тизимга эга. Хусусан, унинг биринчи ўғити Аллоҳга ширк келтирмаслик. Иккинчи ўғити яхши ва ёмон амалларга бериладиган жазолар, учинчи ўғити намозни тўқис адо этиш, амри маъруф, наҳийи мункар, сабр қилиш, тўртинчи ўғити такаббурлик қилмаслик ва муомала одоблари ҳақидаки, бу асосда тарбияланган инсон икки дунё саодатига эришади (валлоҳу аълам биссавоб). «Эсланг, Луқмон ўғлига панд насиҳат қилар экан, деган эди: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк келтириш катта зулmdir». (Луқмон деди): «Эй ўғилчам, шак-шубҳа йўқки, агар ҳардал (ўсимлигининг) уруғидек (бир зарра яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас у (амал) бирон харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро Аллоҳ сергак ва огоҳдир. Эй ўғилчам намозни тўқис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзинга етган (балоларга) сабр қил! Албатта, мана шу ишларнинг мақсадга мувофиғидир. Одамлардан (мутакаббирлик билан) юзингни ўғирмагин ва ерда кибр-ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни севмас. Юрганинга ўртача юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир» (31:13-16-17-18-19).

Ушбу насиҳат-ўғитлар том маънода инсон маънавий дунёсининг, эзгу фаолиятининг асосларини қамраб олган. Ота-онанинг фарзандга яхшилик қилиши, бугун талқин этилаётганидек, фақат уларни моддий жиҳатдан таъминлаш эмас. Аввало иймон сабоғини бериш, ота-онанинг бурчи ва фарзандига қилган энг катта яхшилиғидир. Иймони комил фарзандни дунё неъматини билан ҳар қанча тўқис қилиб қўйилмасин, на охиратига, на жамият ҳаётига ундан зарар етади. Демак, бирламчи иймон сабоғини бериш, сўнг имкон даражасида моддий неъматлар билан таъминлаш, мусулмон ота-она учун мақбул йўлдир.

Ҳазрати Оиша (р.а.) дан ривоят қилинади: «Отам Абу Бакр Сиддиқ бир куни: «Аллоҳ таоло номи билан қасамд қилиб айтаманки, мен учун ер юзида Умар ибн ал-Хаттобдан суюмлироқ киши йўқ», дедилар. Кейин эшикка чиқиб кетдиларда, қайтиб келгач, менга қараб: «Қизим Оиша! Мен қандай қасам ичдим?» – деб сўрадилар. Мен қасам ибораларини айнан ўзини қайтариб айтганимда, отам: «Йўқ, суюмлироқ эмас, азизроқ дегин», деб аввалги сўзларига ўзгартириш киритдилар-да: «Болалар юракка яқинроқдир», деган жумлани ҳам қўшдилар».

Дарҳақиқат, инсон учун боладан кўра суюмлироқ, юракка яқинроқ одам дунёда йўқ. Аммо айнан шу меҳру муҳаббат баъзи ота-оналарнинг болаларига қаттиқ қўллик билан, холис тарбия беришларига тўсиқ бўлиб қолади. Пайғамбарлар, иймони комил мусулмонлар бу масалага тавҳид мезони билан ёндашдилар ва адашмайдилар. Яъни болага бўлган севги, меҳр-муҳаббат уларга тўғри тарбия беришларига халал бермайди, балки ёрдам беради.

Ҳазрати Луқмони ҳаким ҳақларидаги Қуръони каримда келган ҳақ оятлар асосида, мусулмон дунёсида, турли ибратли ривоятлар майдонга келган.

«Ҳазрати Луқмоннинг ўз ўғлига қилган насиҳатлари баёнида.

Ривоят қилинишича, Луқмони Ҳаким:

– Кимки хайру саховат қилса, Худои таоло битта савоб беради, аммо қарзи ҳасана (фойда талаб қилмайдиган қарз) берса, ўнта савоб беради, – дедилар.

Шунинг учун ҳам, Луқмони ҳакимнинг олдиларига қандай ҳожатманд келмасин, қарзи ҳасана берар эканлар.

Бир куни бир савдогар Луқмони ҳакимнинг ҳузурларига келар экан, ўз-ўзига: «Луқмони ҳаким ҳаммага пул беради, мен ҳам бир оз пул олай, хоҳласам қайтариб бераман, хоҳлама-сам йўқ», – деди-да, Луқмони ҳакимдан қарз олди ва ўз юртига қараб жўнади. Савдогарлик қилиб, шундай кўп фойда қилдики, ҳисобини ўзи ҳам билмас эди.

Бир куни Луқмони ҳаким ўғилларига дедилар:

– Эй ўғлим, фалон савдогар мендан пул олган эди, бориб олиб келгин. Кетишингдан олдин сенга тўртта насиҳат айтайин, уларни асло унутма. Биринчиси шуки, шаҳардан чиққанингда бир яхши одамга йўлдош бўласан. У киши нима деса, ўшани қиласан. Иккинчиси шуки, мевали дарахт остида ҳеч қачон ётмагин. Учинчиси шуки, савдогарнинг шаҳрига кирганда унинг райёига қаршилиқ қилмайсан. Тўртинчиси шуки, соҳибжамол аёлга мафтун бўлмайсан ва яқинлик қилмайсан.

Луқмони ҳаким ушбу тўртта насиҳатни айтиб, ўғилларини кузатиб қўйдилар. Ўғил шаҳардан чиқиб, бир нуроний қарияни учратди ва у билан ҳамроҳ бўлди. Қария:

– Эй йигит, йўл бўлсин? – деб сўради.

Йигит:

– Фалон шаҳарга, – деб жавоб берди.

Қария деди:

– Сендек яхши йигитга ҳамроҳ бўлганим қандай соз бўлди-я!

Йигит отасининг васиятини эслаб қувонди. Ҳамроҳи билан йўлга тушди.

Йигит деди:

– Отам мевали дарахт остида ётмагин, дегандилар.

Қария:

– Бирор соат бу сояда ёт, йўл ҳордиғи чиқсин, – деди.

Йигит дарҳол дарахт остига ётиб уйқуга кетди. Ногоҳ дарахтдан бир илон тушиб, йигитнинг жонига қасд қилмоқ бўлди. Қария илонни уриб ўлдирди. Йигит уйғониб бу ҳолдан огоҳ бўлганида, қария:

– Буни мен ўлдирдим. Эй йигит, илоннинг бошини ўзинг билан олиб юр! – деди.

Йигит илоннинг бошини чўнтагига солди. Бу ердан жўнадилар ва савдогарнинг шаҳрига яқинлашдилар. Улар савдогарни топганларида, у узрлар айтиб, меҳмонларни дарё лабига олиб борди ва деди:

– Сизлар бу ерда ётинглар, эрталаб пулингизни олиб келаман.

Уларни бу ерда қолдириб, ўзи кетди. Бироқ кечаси дарё тўлқинланиб, қирғоқда нимаики бўлса оқизиб кета бошлади. Қария деди:

– Эй йигит, бу киши сени мақр билан ҳалок қилмоқчи бўлди. Энди келса, биз уни дарё ёқасида қолдириб, ўзимиз далага кетамиз.

Савдогар бир оз фурсатдан кейин келди. Улар савдогарни қирғоқда қолдириб ўзлари далага кетдилар. Қария деди:

– Эй йигит, икковимиз тепалиқдан чиқиб қарайликчи, қани, савдогарнинг ҳоли нима кечар экан.

Чиқиб қарасалар дарё мавж урди ва савдогарни ҳалок қилди. Йигит билан қария саломат қолдилар. Савдогарнинг ҳийласи эса бутун шаҳарга ошкор бўлди. Шаҳар аҳли гувоҳлик бериб: «Ундаги мол Луқмони ҳакимники эди!» – дедилар. Савдогарнинг фарзанди йўқ эди. Унинг барча моли йигитга тегди. Ҳийлагар савдогар жазосини кўрди.

Бу шаҳарда бир соҳибжамол аёл бор эди. Киши юбортириб, йигитни ўзига чорлади ва:

– Менингдек соҳибжамол, раъно ва нозанин аёл бу шаҳарда йўқ. Дунёим шундай кўпки, ҳисобини билмайман. Мени хотинликка ол! – деди.

Йигитнинг ёдига отасининг насиҳати тушди ва қарияга бу ҳақда сўзлади.

– Ўзинг ўйлаб кўр! – деди қария.

Йигит хуш кайфият билан Аллоҳ таолога шукрлар айтди. Отаси чиройли аёлга мафтун

бўлма ва қариянинг сўзидан чиқма деганига қарамасдан, аёлни никоҳлаб олди. Отасининг аёл билан яқинлик қилма, деган насиҳатига бир неча кун амал қилди. Аммо кўп ўтмай, аёл бетоқатлик кўрсатиб, деди:

– Бу не ҳолки, сенда ҳам, менда ҳам тоқат қолмади.

Йигит аёлни гапларини қарияга айтди. Қария деди:

– Аёлга «шарт билан яқинлик қиламан, шартим шуки уду анбар (хушбўй моддалар) келтириб андомингга бўй берасан, шундагина сен билан яқинлик қиламан», – дегин. Аёл рози бўлса, тутатилган моддага илоннинг бошини солиб қўй.

Йигит қариянинг айтганларини амалга оширди. Аёл андомига тутун солган эди, шу онда ундан илоннинг боши чиқди.

Алғараз, бу шаҳарга қандай бой савдогар келмасин, аёлга мафтун бўлиб уйланар, яқинлик қилиши билан ўлиб, моли бу аёлга қолар эди. Шунинг натижасида бу аёл давлатманд бўлиб кетган эди, мол дунёсининг ҳисоби йўқ эди.

Йигит билан аёл қариянинг олдига келдилар ва унга:

– Бизнинг молимиз ва жонимиз сизга фидо бўлсин! – дейишди.

Йигит бу аёлни ўзига қайта никоҳлаб олди.

Сафар сўнгида қария:

– Эй йигит, мен сенинг саховатингга, мол дунёингга муҳтож эмасман. Агар шаҳрингга борсанг, отангга салом айт. Мен Хизр бўламан, – деб хайрлашиб жўнаб кетди».

Халқимизнинг «Яхши билан юрсанг етасан муродга, ёмон билан юрсанг қоласан уятга» деган мақоли шу каби ибратли воқеаларни акс эттиради.

ҚЎШИҚ НОТАСИ

Чустий сўзи

М.М. ♩ = 180


Муסיқа муаллифи ва ижрочи

Камолиддин РАҲИМОВ


О- та
о- на ай- ла-гай, жо- нин фи- до фар-занд
у- чун Хо- ну- мо-нин сарф э- тар, ҳар до-и-
м(о) фар-занд у- чун, Ран- жи- май- дур чек- са
юз жаб- ру жа- фо фар-занд у- чун,

Ҳар би-ри-да юз ти-ла - -к юз муд-да-
о фар-занд у-чун, Ях-ши о-та - - о-на ях-
ши рах-на- мо фар-занд у- чун.
О-на- лар бир пар-ча
эт-ни бар-ка-мол о- дам қи-лур,
Паш-ша қўн- дир- май а- вай- лаб, шаф-қат
ин ҳар дам қи-лур, Йиғ-ла-са тун-да ю-пат-
гай, ўй-на-тиб хур-рам қи-лур, Баъ-зи-
лар фар-зан-дига гў-ё-ў- зин қул ҳам қи-лур,
Баъ-зи-лар бўл-гу-си эл ич-ра га-
до фар-занд у-чун. Ях-ши о-та о- на ях

ши рах-на-мо фар-занд у-чун
 Чун-ки о-та - о-на-
 дан но-му-ни-шон фар-занд э-рур,
 Кўз-ла-ри-нинг ну-ри
 ҳам жис-ми-да жон фар-занд э-рур,
 Ро-ҳа-ти, фаҳ-ри, ғу-
 ру-ри жо-на- жон фар-занд э-рур, Ул-фа-
 ти яяяяя дўс-ти ма-до-ри жо-на- жон фар-занд э-
 рур,
 Меҳ-ри-бон-лик ар-зи-гай, меҳ-ри ба-
 жо фар-занд у-чун.



О- та - о - на ях- ши фар- занд-



лар би- лан хур- рам я- шар,



Ях- ши фар-занд- лар ту-фай- ли- дан э- лу юр- ти



се-вар,

Бўл-га-йу пи-ри



ба-дав-лат

бу жа-ҳон-

да мўъ-

та-бар




Гар ё- мон

ўс- ган э- са,

минг ал-

ҳа-зар минг ал-




ҳа-зар,

Эл о- тар


нафрат ў-

қи- ни



бе- ҳа- ё фар-занд

у- чун.



Ҳа-а-а - -

Куй-ди-риб у о-та-о-на бағ-ри-ни
 қон ай-ла-гай, Дун-ё-
 га кел-ган-ли-ги-га минг пу-шай-мон ай-ла-гай,
 Ях-ши ўс-тир-ган э-
 са, ум-рин гу-листон айлағай,
 О-та - о-на но-ми-ни о-лам-га
 дос-тон ай-ла-гай, Чус-тий-дан
 бу ар-му-ғон ақ-ли ра-со фар-занд
 у-чун. Ях-ши о-та
 о-на, ях-ши раҳ-на-мо фар-занд
 у-чун.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Ота-она орзуси, аввало фарзанд учун,
Хонумонин сарф этар, доимо фарзанд учун,
Райжимайдур чекса юз жабру жафо фарзанд учун,
Ҳар бирида юз тилак, юз муддао фарзанд учун,
Яхши ота-она, яхши раҳнамо фарзанд учун.

Оналар бир парча этни баркамол одам қилур,
Пашша қўндирмай авайлаб, шафқатни ҳар дам қилур,
Йиғласа тунда юпатгай, ўйнатиб хуррам қилур,
Баъзилар фарзандига ўзни гўё қул ҳам қилур,
Баъзилар эл ичра бўлгуси гадо фарзанд учун.

Чунки ота-онадин ному нишон фарзанд эрур,
Кўзларининг нури ҳам жисмида жон фарзанд эрур,
Роҳати, фаҳри, гурури жонажон фарзанд эрур,
Улфати, дўсти мадори меҳрибон фарзанд эрур,
Меҳрибонлик арзигай, меҳри бажо фарзанд учун.

Ота-она яхши фарзандлар билан хуррам яшар,
Яхши фарзандлар туфайлидин элу юрти севар,
Бўлгай у пири бадавлат бу жаҳонда мўътабар,
Гар ёмон ўсган эса, минг алҳазар, минг алҳазар,
Эл отар нафрат ўқини беҳаё фарзанд учун.

Куйдириб у ота-она бағрини қон айлагай,
Халқ ичинда ҳурматин ер бирла яксон айлагай,
Яхши ўстирган эса, умрин гулистон айлагай,
Ота-она номини оламга дoston айлагай,
Чустийдин бу армуғон ақли расо фарзанд учун.

Л у г а т

«Хонумонин сарф этар»	– қалбини, молу дунёсини, меҳрини сарф этар,
Раҳнамо	– йўлбошчи, йўл кўрсатгувчи.
Алҳазар	– ҳазар қилмоқ, жирканмоқ.

Ш а р ҳ

Эй фарзанд! Ота-онанинг энг эзгу орзу-нияти фарзандининг камолидир. Улар бу йўлда ҳеч нарсаларини аямайдилар. Ота-она ҳам инсон, улар ҳам ҳаётнинг турли жабру жафоларидан изтироб чекадилар, тушкунликка тушадилар. Аммо фарзанд учун чекилган жабру жафолар уларни ранжитмайди. Чунки фарзандга бўлган муҳаббат қалб яраларига малҳам бўлади. Ота-онанинг энг яхши тилак-дуолари фарзандлари учундир. Фарзандга ота-онадан кўра тўғри йўл кўрсатгувчи-раҳнамо оламда йўқдир. Эй фарзанд! Билиб қўйки, оналар бир парча этлигиндан сени баркамол одам қилади. Сенга ҳатто пашшанинг озорини ҳам раво кўрмайди. Тунлардан нечтасини сени деб бедор ўтказади: йиғласанг юпатади, хурсанд бўлсанг шодланади, хуллас, сенга худди қулингдек хизмат қилади. Ҳатто сенинг камолнинг йўлида эл ичида гадолик қилишдан ҳам ор этмайди. Сабаб шуки, яхши фарзанд ота-онасининг бахти, икки дунёси саодатидир. Гўё жисмидаги жон, қалбидаги хотиржамлигидир. Эй фарзанд! Шуни ҳам унутмагинки, ёмон фарзанддан ҳазар қилгуликдир. Бундай фарзанд ота-онасига эл ичра маломат келтиради. Уларнинг икки дунёсини куйдиради. Эй ота-она номини оламга дoston айлагувчи-ақли расо фарзанд! Чустийнинг ушбу шеъри сенга армуғондир. Унга ибрат кўзи билан қара. Ундан эзгу хулоса чиқар.

ЎН ИККИНЧИ САВОҚ:

«СИЗ АНИ ОДАМ ДЕМАНГ, КЎНГЛИДА ҲИММАТ БЎЛМАСА...»

Ёши улуғларни қадрлаш Шарқ, хусусан, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган қадрият. Шу боис, қадим-қадимдан шарқдаги қабила ва уруғларда, қишлоқ ва шаҳарларда жамиятни қариялар бошқаришган. Яъни, ҳуқуқий нормаларни куч эмас, ҳаёт тажрибалари билан йўғрилган кексаларнинг барқарор ақллари белгилаган. Бундай бошқарув тизими ҳеч қачон панд бермаган. Бошқаларнинг манфаатларига зид келмаган. Чунки қарияларда, ёшларга нисбатан, дунё матоҳига муҳаббат кучсизроқ бўлади. Аини улар жамият манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладилар. Бинобарин, қариялар измида бўлган жамият ёки оила камолотга мушарраф бўлади.

Иймони комил билан кексалик ёшига етган қарияларнинг дуолари шарофати билан оилага ҳамда жамиятга қут-барака киради. Кексаларнинг дуолари, албатта улар кексалик ёшига иймон билан етган бўлсалар, Аллоҳ назарида ижобатроқдир. Ҳазрати Яъқуб (с.а.в.)нинг ўғиллари оталарига Юсуф алайҳиссаломдан хушxabар олиб келишганида, Аллоҳнинг фазл-марҳамати билан у кишининг сўқир бўлиб қолган кўзлари очилди. Шайтон васвасасига учиб, укалари Юсуф (а.с.) га зулм ўтказган акалари ўзларининг залолатда эканликларини англадилар. Шунда улар кекса оталари (Яъқуб алайҳиссалом) га айтган биринчи сўзларини Холиқул Алийм бизларга бир эслатма-ибрат сифатида келтиради: «Улар дедилар: «Эй ота, (Аллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўрагин. Албатта, бизлар хато қилгувчилардан бўлдик» (12:97). Ҳолбуки улар ўз тиллари билан истиғфор айтишлари мумкин эди. Лекин кекса оталарининг комил иймони бу ўринда қўл келишини англаб, ҳатто истиғфор айтишга ҳам тиллари бормади.

Абу Довуд ва Имоми ат-Термизий (раҳматуллоҳи алайҳ)лардан ривоят қилинган ҳадиси шарифда келтирилишича: «Бир кекса киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келди. У ерда ўтирган саҳобалар у кишига эҳтиром кўрсатишда, бир оз, сустлик қилишди. Бундай ҳолни кўрган Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Кимки кичикларга раҳм қилмаса ва виқор қилиб катталарни қадрламаса, биздан эмасдир», – дедилар. Имоми ат-Термизий (р.а.) Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилган яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Қайси бир ёш киши ёши улуғларга ҳурмат кўрсатмаса, у ҳам улуғ ёшга етганида, Аллоҳ таоло уни ҳам ҳурмат қилмайдиган ёшларни тайёрлаб қўяди», – деган эканлар.

Кексаларни ҳурматлаш, уларнинг ўғит ва насиҳатларига амал қилиш, фақат кексалар учун эмас, ёшларнинг ўзлари учун ҳам муҳимдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисларда олам-олам маъно бор. Кексаларни ҳурматламаган, улардан ибрат олмаган киши, аввало ўз фарзандини тарбиялашда хатоликка йўл қўйиши мумкин. Тарбиясиз фарзанддан келадиган кулфатлар ҳақида олдинги сабоқларимизда батафсил тўхталиб ўтдик. Алалхусус, бунинг оқибатида жамият виқорли-кибрли ёшлар билан тўлади, бундан эса муборак ёшли кексалар озор чекадилар. Жамиятдаги одобу ахлоқ қоидалари – эзгулик мувозанати бузилади. Меҳр-муҳаббат, ҳурмату эҳтиром деб аталмиш қадриятларга путур етади.

Ривоят қилишларича, бир куни ҳазрати Али (р.а.) масжидга кетаётиб, ўзларидан сал олдинроқда, мункиллаб зўрға қадам ташлаётган чолга йўлиқибдилар. Чолнинг ҳурмати учун у киши ҳам қадамларини секинлатибдилар. Аср намозининг вақти яқинлашиб қолган, масжидгача эса ҳали анча йўл экан. Шунга қарамасдан, ҳазрати Али (р.а.) чолдан ўзиб кетишдан ҳаё қилибдилар. Фақат аср намозининг вақти ўтиб бўлганидан кейингина улар масжид рўпарасига етиб келишибди. Чол бенамоз экан, шу боис, масжиддан ўтиб, ўз йўлида давом этибди. Ҳазрати Али (р.а.) эса масжидга кирибдилар ва кўрибдиларки, барча жамоат, пайғамбаримиз (с.а.в.) имоматларида, рукуъ ҳолатида ҳазрати Али (р.а.)ни кутиб туришган экан. Ҳазрати Али (р.а.) дарҳол жамоатга қўшилиб намози асрни адо этибдилар. Намоздан сўнг ушбу ҳолат шарҳини Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрабдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтибдиларки: «Эй Али, Аллоҳ таоло сен дуч келган вазиятни менга билдирди. Сенинг ёши улуғ киши олдидаги ҳаё ва ҳурматинг боис, намознинг рукуъ ҳолатида сени кутиб туришимни айтди. Бу сенга, бенамоз бўлишига қарамасдан кекса одамга кўрсатган ҳурматинг учун, Аллоҳнинг кўрсатган марҳаматидир».

Алқисса, халқимиз томонидан кексаларга кўрсатиладиган ҳурмат-иззат асосида, энг аввало, ислоний маърифат туради. «Кексанг бор, бараканг бор», «Қари билганни пари билмас» дейилмиш халқ мақолларида эзгулик ва теран маъно ўз аксини топган.




ҚҰШИҚ НОТАСИ

ҲАЗИНИЙ газали

М.М. ♩ = 100

Халқ музыкаси

Аҳрор УСМОНОВ ижроси



Ҳо-та-ми Той ко-фир эр-ди, куй-ма-ди дў-зах да, бил,
Куй-ду-рур эр-ди Э-гам, ан-да са-хо-ват
бўл-ма-са Фо-ний дун-ё-дин-
ла-ҳад-га дас-ти хо-лий бор-ма-гин, Най-ла-сун
Хо-лиқ са-ни, туҳ-фанг и-бо-дат бўл-ма-са. «Халқ аро
рас-во бў-либ-ман» деб, Ҳа-зи-ний, йиг-ла-ма, «Халқ аро
рас-во бў-либ-ман» деб, Ҳа-зи-ний, йиг-ла-ма, Етмагай
Ҳар ким са-ло-мат-га ма-ло-мат бўл-ма-са Сиз а-ни
о-дам де-манг, кўнг-ли-да ҳим-мат бўл-ма-са, Бал-ки
ий-мо-ни ха-тар-лик, ан-да ғай-рат бўл-ма-са. Бал-ки
ий-мо-ни ха-тар-лик, ан-да ғай-рат бўл-ма-са.

ҚЎШИҚ МАТНИ

Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,
Балки иймони хатарлик, анда ғайрат бўлмаса.

Кимки қоҳил бўлса, ул ҳар ду сарода хордур,
Мўъмини содиқ эмас, то анда журъат бўлмаса.

Ҳогами Той кофир эрди, куймади дўзахда, бил,
Куйдирур эрди Эгам, анда саховат бўлмаса.

Фоний дунёдин лаҳадга дастихолий бормагин,
Найласун Холиқ сани, туҳфанг-ибодат бўлмаса.

«Халқ аро расво бўлубмен!» деб, Ҳазиний, йиғлама,
Етмагай ҳар ким саломатга, маломат бўлмаса.

Л у ғ а т

Ҳиммат	– марҳамат, саховат.
Коҳил	– ибодатда юз берадиган сустлик кўзда тутилади.
«Ҳар ду сарода хордур»	– икки дунёда хордир.
Лаҳад	– қабр, ер ости, майит қўйиладиган жой.
Дастихоли	– бўш қўл, бу ерда солиҳ амалсиз маъносида.
Холиқ	– Яратгучи, Аллоҳ.
Маломат	– Ўзни айблаш, нафсга жиҳод эълон қилиш. Матнда доимий хавфу ражоъ, шайтон васвасасига қарши курашиш кўзда тутилади.

Ш а р ҳ

Эй фарзанд! Кимдаки мусулмонга хос саховаткорлик бўлмаса, у одам ҳисобланмайди. Ҳеч қачон ҳимматсиз одамнинг иймони комил деб ўйланган. У ибодатда ғайрат кўрсата олмайди, балки суст бўлади. Унинг икки дунёда хору зор бўлиши равшан. Агар саховату ҳимматда, ибодату журъатда сидқ бўлмас экан, ундай одам мўмин эмасдир. Ҳотами Той ҳақида эшитганмисиз. У бир динсиз эди. Аммо саховатпешалиги сабаб Аллоҳ ҳузурида қадр топди. Саховати бўлмаганида, бундай мукофот қаёқда эди. Бу дунё ўткинчи, эй фарзанд, солиҳ амаллар қилиб қол. Умрнинг поёнида боқий дунё эшигидан қуруқ қўл билан, ҳеч қандай солиҳ амалсиз кириб боришдан эҳтиёт бўл. Ахир ибодатсиз кимсани Яратган севмайди-ку! Эй Ҳазиний, сенинг нафсингга қилган маломатинг, хавф ва ражоъ қилиб (яъни Аллоҳ ғазабидан қўрқиб), тўккан кўз ёшларинг беҳуда эмас. Чунки раҳмати Худони топаман деганлар шундай яшайдилар.

ХОТИМА

Муҳтарам ўқувчи! Мутолаа қилганингиз китобчада фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, масъулияти ҳақида сўз юритдик. Аниқроғи, Қуръони Карим, ҳадиси шарифлардаги амр ва кўрсатмаларни, ўтган уламою шоирларимиз баён этиб кетган ҳикматларни муайян тизимга солиб ифодалашга уриндик. Керак ўринларда халқ ичида машҳур маноқибу ривоятлардан, ҳикматли сўз ва мақоллардан фойдаландик. Замонавий шеърятимиз намуналарига ҳам, мавзу тақозосига кўра, гоҳ-гоҳ мурожат этишга тўғри келди. Ҳар бир сабоқ сўнггида келтирилган қўшиқларни бевосита мавзудан келиб чиқиб жойлаштирдик, уларнинг луғат ва шарҳларини бердик. Қўшиқ матнларини танлашда шеърятнинг асосий шари шартлари бўлмиш, юксак бадиият талабидан эмас, балки ҳофизларимизнинг репертуар имкониятларидан келиб чиққанимизни алоҳида таъкидлашни истардик.

Дидактика, яъни панд-насиҳат шеърятини, Шарқ адабиётининг асосий жанрларидандир. Аждодларимиз дидактик шеърларни куйга солар эканлар, халқни исломий ахлоқ-одоб руҳида тарбиялашни, натижа ўлароқ Аллоҳдан ажру савоб олишни умид қилганлар. Мусиқа жўрлигидаги санъат мусулмон боболаримиз талқинида, ҳозирги кунда тушунилганидек, фақат кўнгилхушлик учун хизмат қилмаган. Асосан, таълимийлик, тарбиявийлик вазифасини ўтаган. Мусиқада мурод исломий ахлоқнинг янада таъсирчан усулда етказиб берилиши бўлган. Ушбу композицияда мусиқа ноталарининг берилиши мана шундай тажрибаларнинг анъанавийлиги билан изоҳланади.

Китоб ўн икки сабоқни ўз ичига олади. Ҳар бир сабоқ ота-она ва фарзанд деган улкан мавзунинг кичик бир жуъзини ифодалайди. Мақсадимиз келтирилган ояти карималар, ҳадислар, ривоят қўшиқлар асосида ўсиб келаётган ёш авлод кўнглига йўл топишдир. Албатта, хайрли ният билан қилинган ҳаракат, хайрли натижа беради. Қолаверса, ота-оналар қадрланган жамият, уларнинг холис дуолари шарофати ила равнақ топади. Солиҳ фарзандларни вояга етказган миллатнинг келажаги, энг муҳими, икки дунёси обод бўлади.

Китоб муаллифи беихтиёр йўл қўйилган саҳву хатолари учун ҳурматли китобхонлардан узр сўрайди. Фойдали маслаҳатлар, асар ҳақида билдирилажак салмоқли фикр-мулоҳазаларни кутиб қолади.

Аллоҳ таоло барчаларимизга ажру савобларга ноил бўлгувчи солиҳ амаллар билан яшаб ўтишликни насиб этсин. Омин.

Валлоҳу аълам биссаवоб.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ҚУРЪОНИ КАРИМ (Ўзбекча изоҳли таржима), Таржима ва изоҳ муаллифи Алоуддин Мансур. Т., ЧЎЛПОН, 1992.
2. Қуръони Карим маъноларининг изоҳли таржимаси. Таржимон Абдулазиз Мансур. Т., Ислом Университети нашриёти, 2001.
3. Ҳадис (Ал-жамийъ ас-саҳиҳ) I, II, III, IV томлар. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991–1996.
4. ИМОМ ИСМОИЛ АЛ БУХОРИЙ. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон 1990.
5. Арбаъин ҳадис ва қирқ мақол. – Т.: Фан, 1994.
6. А. МАНСУРОВ ва бошқалар. Ҳадис илми сабоқлари. – Т.: 1999.
7. АНВАР ҲОЖИАҲМАД. Жаннат калити. – Т.: Чўлпон, 1994.
8. ЗАКОЙИ КЎНРАПА. Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. I, II, III китоб. – Т.: 1996.
9. ЮСУФ ТОВАСЛИЙ. Ҳикматлар хазинаси. 3-китоб. – Т.: Наврўз, 1994.
10. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Т.: Камалак, 1995.
11. САЙФ УЗ-ЗУФАР НАВБАҲОРИЙ. Дурр ул-мажолис. – Т.: Ёзувчи, 1992.
12. АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙ. Танбеҳул ғофилийн, I–II китоблар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
13. МУҲАММАД СИДДИҚ РУШДИЙ. Тазкиратул авлиёи туркий. – Қўлёзма. Низомий номидаги ТДПУ кутубхонаси. Инв № 646.
14. БУРҲОНИДДИН МАРҒИЛОНИЙ. Ал-Ҳидоя. Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
15. АЛИШЕР НАВОИЙ. Асарлар. 20 жилдлик. 1–4 жилдлар. Т.: «Фан» 1987–1988, 1989.
16. МАШРАБ. Меҳрибоним қайдасан. – Т.: Ёзувчи, 1997.
17. ҲАЗИНИЙ. Девон. – Т.: Ёзувчи, 2000.
18. ЧУСТИЙ. Садоқат гуллари (Девон). – Т.: Наврўз, 1994.
19. ФОЗИЛ ЗОҲИД. Ота боғи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
20. АБДУЛЛА ОРИПОВ. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1996.
21. Навоий асарлари лугати. – Т.: Фан, 1992.
22. «Ҳидоят» журнали ва «Мусулмонлар тақвим китоби»нинг 2000–2001 йилги сонлари.
23. ИКРОМИДДИН ОСТОНАҚУЛ. Фарғоналик валийлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

Навойнинг «Бошни фидо айла ато қошиға» мисраси билан бошланувчи байтларидан тузилган ашула вазни ҳақида. Аввалга беш байт бу байтлар Навойнинг «Ҳайрат ул аброр» ва «Лайли ва Мажнун» дostonларидан териб олиниб, мантиқий боғлама қилинган. Вазни «Ҳайрат ул аброр» вазнида.

Бош–ни фи–до	ай–ла а–то	қо–ши–ға,
– v v –	– v v –	– v –
Жисм–м–ни қил	сад–қа а–но	бо–ши–ға
– v v –	– v v –	– v –
Муф–та–и–лун	муф–та–и–лун	фо–и–лун,

Навойнинг «Ҳайрат ул аброр» дostonи Сарийи мусаддаси матвий–и мавқуф вазнида ёзилган. (Қаранг: А.Рустамов. Навойнинг бадий маҳорати. Т., 1979. 119–бет)

Қўшиқ халқ мусиқасига солинган. Асарнинг сувора усулидаги ҳаракати, куйнинг айнан босиқлиги ашуланинг маъно шаклига мос тушган. Зеро, ҳофиз ота–она ҳақида куйлар экан, мусиқий оҳангда ҳам босиқликка ургу бериши бизда одатий ҳол ҳисобланади.

* * *

Машрабнинг «То отанг рози эмас – тавбанг қабул бўлмас сенинг» мухаммаси вазни ҳақида.

Ушбу мухаммас қофияланиш жиҳатдан мухаммас талабларига мувофиқ келса–да, барча мисралар аруз вазнининг маълум баҳрига тушмайди. Унда сакталиклар кўп. Шундай бўлса–да, ҳофизлар оҳангга солиб ижро этишган, қўшиқ мазмуни катта тарбиявий вазифа бажаради. Мухаммасда бармоқ вазни таъсири билиниб туради. Шу боис, бу асарни мухаммас шаклли бармоқдаги шеър дейиш мумкин. Ғазал ёки мухаммас кўринишидаги ҳар қандай шеър заҳиран аруз вазнида ёзилгандай туюлса–да, вазнга тушмаслиги мумкин. Муаллиф сайқал беришга куч сарфламагани боис, уни аруз вазнида ёзилган деб даъво қилиб бўлмайди. Бунда мисралар бўгинлари тенг бўлса кифоя. Бундай шеърларни ғазал ёки мухаммас шаклидаги бўгинга асосланган асар деб баҳолаган дуруст. Демак, туркий шеърятда баъзан шеърлар ашула бўлиши учун асарнинг арузда ёки бармоқда бўлишининг унчалик аҳамияти йўқ.

Хонанда Мажидхон Саидов ижро амалиётида мавжуд бўлган «қаландарлар мусиқий намуналари»га хос бўлган оҳангда Машрабнинг ушбу ғазалини куйга солган. Мусиқий оҳанг сўз маъносига мутаносиб ҳолда таркиб топиб, ҳар икки жараённинг уйғунлигига эришган.

* * *

Бобораҳим Машрабнинг «Онам» радифли ғазали вазни ҳақида.

Жа–мо–линг кўр–	га–ли(й) кел–дим	а–ё эй меҳ –	ри–бон о–нам
Ма–фо–ий–лун	ма–фо –ий–лун	ма–фо–ийлун	ма–фо–ий–лун
V – – –	v – – –	v – – –	v – – –
Ме–нинг у–чун	а–до бўл–ғон	ю–ра–ги бағ–	ри қон о–нам
Ма–фо–ий–лун	ма–фо–ий– лун	ма–фо–ийлун	ма–фо–ий–лун
V – – –	v – – –	v – – –	v – – –

Бу ғазал ҳажаз мусаммани солим вазнида ёзилган. Иккинчи устундаги –ли ҳижоси қисқа унли билан тугагани учун қисқа ўқилади, аммо вазн талаби билан «и» дан сўнг й ундоши талаффуз этилиб, ий – чўзиқ ҳижо ҳосил бўлади. Иккинчи мисранинг учинчи рукнидаги «юраги» сўзидаги «ю» чўзиқ бўгин аммо вазн талабига кўра йў га яқин талаффуз этилади. У унлиси ў каби қисқа талаффуз этилади. Қолган рукнларда сакталиқ йўқ.

Машрабнинг ушбу ғазалига бастакор Аҳмаджон Дадаев анъанавий мусиқа амали доирасида, замонавий ёндашган ҳолда ўзига хос ашула яратишга муваффақ бўлган. Унинг оҳанглари она хизматини қила олмай виждон азобида юрган фарзанднинг руҳий ҳолатини акс эттиради.

* * *

Салоҳийнинг «Эй ўғил, ҳаддингда тур, отанг сени сотганда ҳам» мисраси билан бошланувчи ғазали вазни ҳақида

Эй ў–ғил ҳад–	динг–да тур о	– танг се–ни сот	–ган–да ҳам,
– v – –	– v – –	– v – –	– v – –

Ин чи нун муш	фиқ—о—нанг—ни	сўз—ла—ри бот—	ган—да ҳам
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
Фо—и—ло—тун	фо—и—ло—тун	фо—и—ло—тун	фо—и—лун

Ушбу ғазал рамали масаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Иккинчи мисранинг иккинчи рукнидаги «онангни» сўзидаги «о» унлиси фоилотунга тушмаган. Сакталик юз берган, аммо шунга қарамай, ҳофиз сайқал бериб овозда бу сакталикни йўқотиб ижро этиши керак. Қофияланишида ҳеч бир камчилик йўқ.

Ушбу ашула хонанда Бахтиёр Тўлаганов томонидан ғазалнинг маъносидан, ички руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ижро этилган. Машрабона талқинга хос оҳанглари хонанда ўз ижросида маромига етказиб ижро этган.

* * *

Марҳабо Мамадалиеванинг «Волидангни рози қил» шеъри вазни ҳақида.

Ушбу шеър бармоқ вазнида мурабба шаклида ёзилган бўлиб, етти бўғинли а—а—а—б, в—в—в—б тарзида қофияланган.

Улуғлашдан толмагин, (а)
 Қарғишини олмагин, (а)
 Аттанг қилиб қолмагин, (а)
 Волидангни рози қил (б)

Бу шеърни қуйидаги шаклда ҳам ёзиш мумкин:

Улуғлашдан толмагин, қарғишини олмагин,
 Аттанг қилиб қолмагин, волидангни рози қил.

Аммо биринчи шакл энг тўғри ечим ҳисобланади Ёдлашга осон, ўқишга ўнғай. Услубнинг халқоналиги унинг куйга мослаштирилишида ҳам намоён бўлган.

Хонанда Абдулхай Каримовнинг бу асари миллий анъаналар билан суғорилган бўлиб, инсонлардаги муносабат мезонларини ўзида мужассам этган. Куйнинг оҳиста жилоланиши, оҳанглари нозиклиги ҳамда насиҳатдаги қатъийлик аломатлари асар руҳиятини оширади.

* * *

Анвар Ҳожининг «Отага тик боқма, имонинг сақла» мисраси билан бошланувчи шеъри вазни ҳақида.

Ушбу шеър бармоқнинг ўн бир бўғинли вазнида ёзилган бўлиб, а—а, б—б, в—в, г—г, тарзида қофияланган.

Қўшиқнинг матни ҳар қандай фарзандни отага нисбатан доимо ҳурмат—эҳтиромни сақлашга ундайди. Бу хусусият халқ ижодида ўзига хос оҳангда таркиб топган. Шу боис, сўз матнининг ўзига оҳанг нуқтаи назаридан ёндошсангиз куй ўзи оқиб келганига амин бўласиз, қўшиқнинг куйи ана шу жараёнга мослашиб халқона йўлга туширилган. Унинг оҳанглирида катталарга бўлган ҳурмат ва уларни ардоқлаш мотивлари барқ уриб туради.

* * *

Ёнғин Мирзонинг «Фарзандим — асал қандим» шеъри вазни ҳақида.

Бу шеър бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, қофияланиши ўзига хосдир. Биринчи ва учинчи бандлар беш қатордан иборат бўлиб, а—а—а, б—б тарзида қофияланган. Ҳар бир қатор ўн уч бўғиндан иборат. Иккинчи банд бўғин жиҳатдан биринчи ва учинчи банддан фарқ қилади. Олти қатордан ташкил топган бўлиб, қаторлар бир хилда қофияланган.

Гарчи шеър икки хил қофияланиш асосида яратилган бўлса—да, қўшиқ талабларига қўра муваффақиятли чиққан. Унда ўзбек қўшиқчилик санъатининг энг гўзал анъаналари мужассамланган. Кишига руҳий кайфият бахш этувчи қўшиқда шиддат ва ишонч жўш уриши яққол сезилади. Шунингдек, ижро ҳам ўзининг жозибadorлиги билан алоҳида ажралиб туради.

* * *

Чустийнинг «Она фарзандларин дуо қиладур» мисраси билан бошланувчи мухаммаси вазни ҳақида.

О—на фар—занд	—ла—рин ду—о	қи—ла—дур
— v — —	v — v —	v v —
фо—и—ло—тун	ма—фо—и—лун	фа—и—лон

Ҳо—жа—тин до	—и—мо ра—во	қи—ла—дур
Фо—и—ло—тун	ма—фо—и—лун	фа—и—лон

Оғ-ри-са меҳ	- ри-дин да-во	қи-ла-дур
Фо-и-ло-тун	ма-фо-и-лун	фа-и-лон
Нак-е-рак бўл	- са-у ба-жо	қи-ла-дур
Фо-и-ло-тун	ма-фо-и-лун	фа-и-лон
О-на-лик бур	- чи-ни а-до	қи-ла-дур
Фо-и-ло-тун	ма-фо-и-лун	фа-и-лон

Бу мухаммас ҳафифи мусаддаси махбуни мақсур вазнида ёзилган бўлиб, ҳар бир мисра уч рукндан тузилган. Биринчи рукн узун, қисқа, узун, узун; иккинчи рукн қисқа, узун, қисқа, узун, учинчи рукн қисқа, қисқа, узун бўғинлардан иборат. Ўқилиши:

Фо-и-ло-тун, ма-фо-и-лун, фа-и-лон.

Биз кўриб чиққан бандда икки ўринда сакталик бор. Биринчиси дуо сўзига тегишли бўлиб, «мафоилун»нинг «илун» қисмига тўғри келган, ўзбек тилида «дуво» тарзида ўқилади. Араб ва форс тилларида «дуо» шаклида ўқилиб, у унлиси қисқароқ талаффуз этилади. Шу сабабли арабий ёзув талабига кўра дуо сўзи мафоилунга тўғри солинган ҳисобланади.

Иккинчиси «оғриси» сўзи «фоилотун»га солинганда сакталик билиниб қолади. Туркий арузда кўпинча а унлиси о тарзида ҳам (истисно тариқасида) қўлланишини ҳисобга олсак, «оғ-ри-со» деб ўқиш керак бўлади. Шундай қилиб банддаги икки сакталик ҳам аруз билимдонлари қошида узрли ҳисобланади. Хонандалар бу сакталикка овоз бериш жараёнида барҳам беришади. Бундан маълум бўлмоқдаки, зоҳиран сакталик (ҳижолашдаги камчилик) бўлиб кўринган ўринлар яхши мушоҳада юритиб ҳукм чиқаришни тақозо қилади.

Ашуланинг мусиқаси хонанда Эркинжон Рўзиматовга мансубдир. Қайд этиш жоизки, хонанда бу асарда, фазалда ифодаланган маънога мос куй яратишга эришган. Оналарнинг меҳрибонлиги, чеккан заҳмату меҳнати фарзанд учун табарруклиги ашуланинг ардоқловчи оҳанглирида мужассам топган.

* * *

Нуриддин Бобоҳўжаевнинг «Соғинсам отажоним» сўзлари билан бошланувчи шеър вазни тўғрисида.

Бармоқ вазнида ёзилган бу шеър мухаммас шаклида бандланган. Қофияланиши: а-а-а-б-б. Ҳар бир қатор ўн тўрт бўғиндан тузилган. Уни етти бўғиндан қилиб, иккига бўлиб ёзиш ҳам мумкин. Туроқланиши: 3+4-3+4 тарзида. Туроқларда бузилиш йўқ.

3	4	3	4
Соғинсам	отажоним,	излайин	қаерлардан
3	4	3	4
Соғинсам	нур жаҳоним	излайин	қаерлардан

Матнда asli нақорат бўлиб келган «соғинсам» деб бошланувчи икки қатор қўшиқ талаби билан шеър бошида келтирилган. Бу гўё мавзуга кириш вазифасини бажариб келган. Сўнг банд охирида ҳам берилдики, бу эмоцияни кучайтиришга хизмат қилади. Сўзлари содда бўлган бу шеър, гарчи сўз санъати дурдонаси бўлмасда, инсоний туйғунинг самимийлиги билан тингловчилар қалбидан жой олган. Ҳар бир инсон учун типик туйғу бўлгани учун ҳам бу қўшиқ ҳар бир даврда ўз тингловчисига эга бўлади.

Қўшиқ оҳангидаги соғинччи акс эттирувчи хусусиятлар, кишини беихтиёр руҳан ота билан мулоқотга чорлагандек туюлади. Бу хусусиятлар куй оҳангида мужассам топган бўлиб, тингловчига ўз таъсирини кўрсатади. Бу қўшиқ куйининг асосий сири ҳам шундадир.

* * *

Ҳазиний қаламига мансуб «Қадрини» радифли мухаммас вазни ҳақида

То-е-тим-бўл-	май-ки-ши бил	мас а-то-нинг	қад-ри-ни!
Жо-ни-дил-дан	тар-би-ят-қил	гон а-но-нинг	қад-ри-ни
Бил-ма-гай-ҳеч	ким-а-но-бир	лан-у-ко-нинг	қад-ри-ни
Бир-не-ча-хе	ш у-та-бо-ру	ақ-ра-бо-нинг	қад-ри-ни
Аж-ра-гай-бил	гай-а-го-бир	лан-та-го-нинг	қад-ри-ни
Фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-лун
- v - -	- v - -	- v - -	- v - -

Мухаммас Рамали масаммани маҳзүф вазнида ёзилган. Лекин шеър санъатида шартлиликка изн берилган. Сўз маъноси ўзгариб кетмаса фонетик ўзгариш ясаб, арузга солиш мумкин. Бу фазалда қаратқич келишиги қўшимчаси

«нинг» «ни» формасида қўлланган. Эски туркий манбаларда бу ҳол кўп учрайди, ота, она, ака, оға сўзлари ато, ано, ако, аго шаклида қўлланган. Бу ҳам вазн талаби билан қилинган сунъий йўл ҳисобланади. Шоир ўқувчи ўзи тўғри тушуниб олишига ишонгани учун шу ҳолда қўллайверган. «Қадрини» сўзидаги охирги «ни» бўғини сиртдан қисқа бўғин, аммо вазн тақозосига кўра «ний» тарзида ўқилади ва вазн ўлчовида узун ҳижо ҳисобланади.

Халқимиз орасида насиҳат ашулалар кенг оммалашган. Хонанда Абдурашид Воҳидов Ҳазинийнинг ушбу ғазалини насиҳат оҳангларига солиб ижро этган. Сўзнинг ниҳоятда ҳаётгийлиги, ашуланинг оммалашувига сабабдир.

* * *

Чустийнинг «Фарзанд учун» радифли мухаммаси вазни ҳақида.

О – та – лар бир	пар – ча – эт – ни	бар – ка – мол фар –	занд қи – лур,
Паш – ша қўн – дир	– май а – вай – лаб	шаф – қа – тин ҳар	дам қи – лур,
Йиғ – ла – са тун –	лар ю – пат – гай	ўй – на – тиб хур –	рам қи – лур,
Баъ – зи – лар фар –	зан – ди – га гў –	ё ў – зин қул	ҳам қи – лур
Баъ – зи – лар эл	ич – ра бўл – фу –	си (й) га – до фар –	занд у – чун
Фо – и – ло – тун	фо – и – ло – тун	фо – и – ло – тун	фо – и – лун
– v – –	– v – –	– v – –	– v –

Бу мухаммас рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган. Учинчи мисрадаги «йиғласа» сўзидаги «са» қисқа, аммо ўздан кейин келувчи «т»ни ўзига тортади. «Бўлғуси» сўзидаги «си» бўғини қисқа аммо вазн талабига кўра и унлиси «ий» тарзида ўқилиши ҳам мумкин. Бешинчи мисра охиридаги «учун» сўзидаги у чўзиқ бўлса ҳам, қисқа қилиб берилган шаклга солинди. Бу сакталики хонанда ў билан у ўртасидаги товуш тарзида талаффуз қилса сакталик сезилмайди.

Чустийнинг қайси бир ғазалига мурожаат этманг гўёки оҳанг ўзида мужассам топгандек. Шу боис унинг ғазаллари кўпчилик хонандалар ижодидан жой олган. Ушбу асар таниқли хонанда Камолiddин Раҳимов ижодига мансуб. Пурмаъно оҳанглар тизимида ғазал мазмуни янада чирой очган

* * *

Ҳазинийнинг «Бўлмаса» радифли ғазали вазни ҳақида.

Сиз а – ни о –	дам де – манг кўнг	– ли – да ҳим – мат	бўл – ма – са
Бал – ки ий – мо	– ни ха – тар – лик	ан – да ғай – рат	бўл – ма – са
– v – –	– v – –	– v – –	– v –
фо и ло тун	фо и ло – тун	фо и ло – тун	фо и лун

Бу ғазал рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган. Иккинчи мисрада «иймони хатарлик» сўзларидаги «ни» қисқа бўлиб, сакталик пайдо бўлган, аммо хонанда куйлаш жараёнида чўзиқ «ий» талаффуз этиш билан сакталикни йўқотиб кетиши мумкин. Бошқа рукнлар аруз вазни талабларига яхши тушган. Ашула замонавий ёш хонанда нигоҳида оҳангга солинган ва қўшиқчилик ижодининг ёрқин намунасига айланиши бегумондир. Хонанда Аҳрор Усмонов сўзнинг руҳиятини оҳанглар орқали ифодалашга эришган.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	4
БИРИНЧИ САБОҚ: «БОШНИ ФИДО АЙЛА...»	6
ИККИНЧИ САБОҚ: «ТО ОТАНГ РОЗИ ЭМАС...»	10
УЧИНЧИ САБОҚ: «МУРОДИ ДУ ЖАҲОН, ОНАМ...»	16
ТЎРТИНЧИ САБОҚ: «ЭЙ ЎҒУЛ...»	21
БЕШИНЧИ САБОҚ: «ВОЛИДАНГНИ РОЗИ ҚИЛ...»	26
ОЛТИНЧИ САБОҚ: «ОТАГА ТИК БОҚМА...»	31
ЕТТИНЧИ САБОҚ: «ФАРЗАНДИМ – АСАЛ, ҚАНДИМ...»	35
САККИЗИНЧИ САБОҚ: «ОНА ФАРЗАНДИНИ ДУО ҚИЛАДУР...»	40
ТЎҚҚИЗИНЧИ САБОҚ: «СОҒИНСАМ ОТАЖОНИМ...»	44
ЎНИНЧИ САБОҚ: «ТО ЕТИМ БЎЛМАЙ КИШИ...»	49
ЎН БИРИНЧИ САБОҚ: «ФАРЗАНД УЧУН...»	53
ЎН ИККИНЧИ САБОҚ: «СИЗ АНИ ОДАМ ДЕМАНГ, КЎНГЛИДА ҲИММАТ БЎЛМАСА...»	61
ХОТИМА	65
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	66
ИЛОВА	67

Мазкур рисола якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги (№ 0919866) гувоҳномага асосан «Ўз бадиий асарларини тайёрлаб сотиш» фаолияти билан шуғулланувчи Раҳматуллоҳ Носировнинг «Симурғ» илмий ижодий марказида тайёрланди.

Илмий марказга фойдали маслаҳатлар, асар ҳақида билдиражак фикр ва мулоҳазалар ҳамда китобларни сотиб олиш масаласида муурожаат қилишингиз мумкин.

Китобга киритилган қўшиқларнинг Ўзтелерадио компания қошидаги «Radio Records» студиясида ёзилган аудио кассеталари рисола билан бирга қўшиб сотилади.

*Манзилгоҳимиз: 700020, Тошкент и., Шайхонтохур туман, Бог кўча, 6 уй,
1 хонадон. (Тинчлик метроси)
Тел.: 42-18-70; 42-18-49.*

РАҲМАТУЛЛОҲ НОСИР

ХУРШИД АТОНГДУР, ОЙ – АНО ...

(Маънавий–маърифий, адабий–муסיқий композиция)

Биринчи китоб

ИБ 3746

Босишга 24.12. 2002й. да рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма тобоғи 9,0. Шартли босма тобоғи 8,37.
Адади 2000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 88

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.



БАХТИЁР
ТУЛАГАНОВ




АБДУЛХАЙ
КАРИМОВ



АҲМАДЖОН
ДАДАЕВ



МАЖИДХОН
САИДОВ




САЪДУЛЛО
ҲАЙДАРОВ



МАШРАБ
ЭРМАТОВ



ЭРКИН
РЎЗИМАТОВ



АҲРОП
УСМОНОВ

Раҳматуллоҳ Носир 1960 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1981 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтини тугатган. Ҳозирда мазкур институтнинг “Вокал жамоаларига раҳбарлик” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Раҳматуллоҳ Носир узоқ йиллар Тошкентдаги “Баёт” ашула ва рақс ансамблида мусиқа раҳбари лавозимида ишлаган. Ансамбл таркибида ўнлаб хорижий мамлакатларда гастрол сафарларида бўлган.

Р. Носир ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида “Халқ қўшиқлари композицияси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини химоя қилиш арафасида турибди. Ушбу илмий-назарий муаммо юзасидан марказий матбуот саҳифаларида қатор мақолалар эълон қилган.

“Хуршид атонгдур, ой-ано...” Адабий-мусиқий, маънавий-маърифий композицияси Р. Носир қаламига мансуб илк китоб ҳисобланиб, келажақда нашр этилиши мўлжалланган “Ҳикматлар садоси” туркумидаги асарларнинг дебчасидир.